# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

**№37-38 (690-691)** 2023 йил **9 май**, сешанба

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯНИ ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан мулоқот қилди. Унда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш бўйича шу йил 30 апрелда бўлиб ўтган референдум якунлари ҳақида сўз борди.**

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида янгиланган Конституциямизда барча қатлам манфаатлари инобатга олинганлиги, уни ишлаб чиқишда аҳоли фаол иштирок этганлиги ҳамда референдум орқали қабул қилинганлиги ушбу ҳужжатнинг чинакам халқ Конституцияси бўлганидан далолат эканлигини таъкидлади.

– Конституциямиз лойиҳасини муҳокама қилишдан бошлаб то уни қабул қилгунча бўлган даврда ўтказилган умумхалқ муҳокамаларида миллионлаб юртдошларимиз фаол иштирок этдилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, янгиланган Конституциямизнинг чинакам муаллифи халқимиз бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Энг муҳими, энди ислоҳотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз, "инсон – жамият – давлат", деган янги тизим асосида фақат ва фақат олдинга қараб борамиз, – деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Дунёда кундан-кунга янги синовлар, хавф-хатар ва таҳдидлар пайдо бўлаётган вазиятда Конституцияда Ўзбекистон "суверен давлат" сифатидаги мақомини мустаҳкамлади.

– Шундай мураккаб вазиятда, ҳар бир ишимизда, қабул қилаётган барча қонун ва қарорларимизда фақат ва фақат халқимиз, Ватанимиз манфаатлари энг устувор ўринда туриши шарт, – деди давлат раҳбари.

Янгиланган Конституцияда Ўзбекистон "ижтимоий давлат" деган тамойил муҳрланиб, давлатнинг бу соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 бараварга ошди.

– Бу рақамни айтиш осон, лекин уни амалда таъминлаш учун жуда кўп ишлашимиз зарур. Бунга давлат бюджетидан ҳар йили қўшимча 30-40 триллион сўм ажратиш керак бўлади. Бунинг ҳисобидан, ҳар йили юзлаб янги боғчалар, мактаб ва шифохоналар қуришимиз лозим.

Ёшлар сиёсатини, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантиришни устувор вазифа сифатида юқори босқичга кўтариш бўйича ҳам янги имкониятларни сафарбар этамиз.

Нуронийлар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган инсонлар, алоҳида эътиборга муҳтож аҳоли қатламига ижтимоий хизматлар кўламини янада кенгайтирамиз. Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини мунтазам ошириб борамиз, – деди Президент.

▶ 2-бет

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Юртимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи томонидан ёқлаб овоз бериш орқали қабул қилинганлиги унда халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганлигидан далолат бермоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Референдум кўп миллатли буюк халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуришга қатъий қарор қилганлигининг ишончли ифодаси бўлди.

Хусусан, Конституцияда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади – ижтимоий давлат қуриш эканлиги белгилаб берилди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳамда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг замонавий концепциясини ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ўртасида ваколатлар қайта тақсимланди. Жойларда ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари ваколатлари тақсимланишига асосланган давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг янги модели назарда тутилди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, унда мустаҳкамланган устувор принципларни Янги Ўзбекистон улуғвор ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини таъминлаш мақсадида:

**1.** Янги таҳрирдаги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг **биринчи навбатдаги устувор вазифаси** этиб белгилансин.

▶ 2-бет

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

**Юртимизда Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланмоқда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари рағбатлантирилиб, саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, шу кунларда уларнинг бир гуруҳи санаторийларда даволанмоқда.**

Президент Шавкат Мирзиёев 8 май куни Тошкент шаҳридаги "Chinobod Plaza" санаторийсига бориб, уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олди. Анорбой ота Жалилов, Ашир ота Ўсаров, Антонина Коломенцева, Тўлаган ота Имомов, Аббос ота Аппанов билан дилдан суҳбатлашди.

– Сизларни кўрай, байрам билан табриклай деб келдим. Бу, аввало, сизларнинг байрамингиз. Ўша пайтлардаги жасорат ва матонатингиз туфайли кейинги авлодлар тинч, эркин яшади. Машаққатли меҳнат ва зафарларга тўла ҳаёт йўлингиз бугунги ёшлар учун чинакам ибрат мактаби, ватанпарварлик мактаби, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Сиз билан бутун эл-юртимиз фахрланади, – деди давлатимиз раҳбари.

Уруш қатнашчилари ҳурмат ва меҳр оғушида яшаётгани, соғлиғи яхши, ҳаётидан рози эканини айтди. Ўзлари истиқомат қилаётган ҳудудда, фарзанд ва набираларининг ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида гапирди.

– Мана, яқинда янгиланган Конституциямизни қабул қилдик, – деди Президент. – Мамлакатимиз ривожини ошириш, халқимиз ҳаётини яхшилаш бўйича катта марралар олдик. Мана шундай ўзгаришлар пайтида сиздек катта тажрибага эга инсонларнинг ёнимизда бўлиши, маслаҳатларингизни олиш бизга чексиз куч-ғайрат беради.

Нуронийлар эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, хайрли дуолар қилди.

– Табаррук дуоларингизни олиш, сизга қўшилиб халқимизнинг тинчлигини сўраш – катта бахт. Ҳаётда кўп-кўп синовларни кўрган, қарийб бир асрлик ҳаёт тажрибасига эга бўлган сиздай муҳтарам инсонларнинг дуолари ижобат бўлади. Нуронийларимиз учун барча зарур шароитларни яратишга бундан буён ҳам катта эътибор қаратамиз. Бу – биз учун муқаддас бурч ва вазифадир, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Ғалаба боғига ташриф буюриб, "Матонат мадҳияси" ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган бу мажмуа халқимизнинг урушдаги йўқотишлари, тинчлик учун кураши ва улкан ҳиссасини ифодалайди. Шу боис боғ ҳар доим, айниқса, байрам кунларида ёшу кексалар билан гавжум.



Сурат president.uz сайтидан олинди.

Бу йил ҳам 9 май – Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланмоқда. Президент фармонига мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари рағбатлантирилмоқда. Уларнинг саломатлиги ҳамиша эътиборда.

Ғалаба боғида Қуролли Кучлар тизимига кирувчи вазирлик ва идоралар, давлат ташкилотлари вакиллари жам бўлди. Улар ҳам мажмуа пойига гуллар қўйди.

**ЎзА.**

### ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

## Долзарб масалаларга бағишланган йиғилиш

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов бошчилигидаги вазирлик мутасаддилари Тошкент шаҳри туман ҳокимларининг коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари билан пойтахтдаги кўп қаватли уйлар ҳолати, ундаги муаммолар, ечимини кутаётган долзарб масалалар юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Дастлаб кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотлари фаолиятига ноқонуний аралашувлар, уларни ўз вазифаларидан ташқари бўлган масалаларга жалб этиш ҳолатлари кескин танқид қилинди. Соҳадаги муаммолар туманлар кесимида кўриб чиқилди. Хусусан, талабга жавоб бермайдиган, қониқарсиз ҳолатдаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан тизимли ишлар олиб борилмаётгани, соҳанинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган "Менинг уйим" биллинг тизимига киритилмаган уйлар, аҳоли орасида коммунал маданиятни шакллантиришга қаратилган тарғибот ишларининг олиб борилмаётгани алоҳида таъкидланди.



Йиғилиш сўнгида ҳоким ўринбосарларининг соҳадаги муаммоларни бартараф этишга доир таклифлари тингланди. Ҳар бир туманда мавжуд камчиликлар ва уларнинг ечими бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, икки кун муддатда вазирликка тақдим қилиниши белгилаб олинди.

## Ходимлар малакаси оширилмоқда

**Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиботларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 579-сонли қарорига мувофиқ лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш амалга оширилмоқда. Шунингдек, мутахассис-кадрлар малакасини мунтазам ошириб боришни ташкил этиш мақсадида "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК ва унинг ҳудудий филиаллари экспертлари махсус ўқув курсларига жалб этиляпти.**



Бунда аввал экспертларнинг энергия самарадорлик ҳамда ёнғин хавфсизлиги асослари бўйича малакаси оширилган бўлса, эндиги гуруҳ аъзолари биноларнинг конструктив ечимлари юзасидан билим ва кўникмаларини оширмоқда.

Ўқув дарслари назарий ва амалий кўринишда ўтказилиб, бунда экспертлар лойиҳа ҳужжатларида микросейсморайонлаштириш харитасига асосан зилзилавий кўрсаткичларга мос конструктив ечимлар танлангани, бинонинг функциясига кўра тўғри моделлаштирилгани, мустаҳкамлик, деформацияга қаршилик, устуворлик, зилзилага бардошлик ва чидамлилик сингари асосий техник талаб шарти бажарилгани юзасидан экспертизадан ўтказиш жараёнидаги профессионал методлар, нюансларни янада чуқурроқ ўрганмоқдалар ва ўз тажрибаларини оширмоқда.

Албатта, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" экспертларини босқичма-босқич даврий малакасини ошириш жараёнида улар эгаллаётган қўшимча билим ва кўникмалар келажакда бинолар конструктив ечимларининг меъёрий хавфсизлик ҳамда сифат талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилганини аниқлашда, лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасидан сифатли ўтказилишини таъминлашда ва мутахассислар масъулиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

## Хоразмда семинар ўтказилди

**Хоразм вилоятида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутасаддилари ҳамда вазирлик таркибидаги ташкилот ва муассаса мутахассислари иштирокида "Архитектура ва қурилиш соҳасида ўрта-махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлашда замонавий жиҳозлардан фойдаланиш" мавзусида республика ўқув-амалий семинари ташкил қилинди.**



Семинарни Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Азамиддин Қўлдашев очиб берди. Семинарнинг 1-кунида йиғилганлар Хоразм архитектура ва қурилиш техникумида замонавий ўқув жиҳозларидан таълим жараёнида фойдаланиш бўйича амалий дарс машғулотларини кузатиш, ўқувчилар томонидан тайёрланган кўргазма ҳамда техникумда ташкил этилган музей фаолияти билан танишишди. Шунингдек, иштирокчилар тажриба алмашиш мақсадида ўз билим ва кўникмалари билан ўртоқлашишди.

Ўқув-амалий семинари ўз ишини ҳудудлар бўйлаб давом эттиради.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№37-38 (690-691) 2023 йил 9 май

# ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯНИ ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

◀ 1-бет

Янгиланган Конституцияда Ўзбекистон "ҳуқуқий давлат" деган тамойил ҳам қатъий қилиб белгиланиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасидаги нормалар 3 бараварга кўпайтирилди.

Шахсни суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб туриш мумкин эмаслиги, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ барча ҳаракатларга фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши, айбланувчи ва судланувчиларнинг "сукут сақлаш" ҳуқуқи мустаҳкамланди.

"Инсон қадри учун" тамойили Конституцияда, қонунларимизда ва давлат идоралари фаолиятида бош мезон бўлиши шартлиги, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

– Бу – авваламбор барча соҳада қонун устуворлиги таъминланади, дегани. Бундан буён, қонунлардаги ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлади. Энг муҳими, "Қонун – муқаддас, ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтириш шарт!" деган қараш жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдорлар учун ҳаёт қоидасига айланиши керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Янги таҳрирдаги Конституция Ўзбекистоннинг "демократик давлат" сифатидаги мақомини ҳам мустаҳкамлади.

Мамлакатимизда инсон ва бизнеснинг оғирини енгил қиладиган, уларга сифатли хизмат кўрсатадиган ихчам ва самарали бошқарув тизимини жорий этиш мақсадида кенг кўламли маъмурий ислоҳотлар бошланиб, ҳукумат ва вазирликлар ихчамланди, иш услуби ўзгартирилди.

– Менинг энг катта ниятим – одамларни қийнаётган муаммоларни маҳалланинг ўзи ҳал қиладиган халқчил тизим яратиш. Шу боис, молия, солиқ, бандлик каби идораларнинг камида 30 фоиз ваколатларини маҳалла даражасига туширишни режа қилганмиз, – деди Президент.

Янгиланган Конституция парламент фаолиятида ҳам муҳим ўзгаришларни назарда тутади. Хусусан, давлат ҳокимияти тизимида бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, Қонунчилик палатасининг ваколатлари 5 тадан 12 тага, Сенатда эса, 14 тадан 18 тага кўпайди.

– Шу билан бирга, депутатларимиз асосий эътиборни қонунлар сифатини оширишга қаратиши, уларнинг ижросини самарали ташкил этишда ҳукумат билан биргаликда қаттиқ ишлаши керак. Сенатнинг фаолияти эса ҳудудлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, маҳаллий кенгашларга ҳар томонлама кўмаклашиш, жойларда, айниқса, маҳаллаларда қонунларнинг ижросини таъминлашга йўналтирилиши зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Янги таҳрирдаги Конституция миллатлар, конфессиялар ўртасида тотувлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистоннинг "дунёвий давлат" сифатидаги мақомини ҳам мустаҳкамлади. Халқимиз референдумда буни маъқуллади. Шу асосида, бундан буён ҳам, мамлакатимизда миллатлар, конфессиялар ўртасида тотувлик ва хавфсизликни таъминлаш сиёсати жадал давом эттирилиши, жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга мутлақо йўл қўйилмаслиги таъкидланди.

Йиғилишда янгиланган Конституцияни ҳаётга жорий этиш, ижросини таъминлаш бўйича вазифалар белгиланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони имзолангани қайд этилди.

– Бош Қонунимизнинг ҳар бир банди ва моддасини жамиятимиз, айниқса, ёшларимиз учун ҳаёт қоидасига айлантириш, бу борада уларнинг тушунча ва тасаввурларини кенгайтириш, ҳар бир маҳалла, таълим муассасаси, ташкилот ва корхоналарда ўргатиш мақсадида ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратиш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари янгиланган Конституциянинг 128-моддасига мувофиқ, муддатидан илгари Президент сайлови ўтказиш ҳақида бутун халқимизга мурожаат қилди.

Президентимиз томонидан бундай қарорга келиш ва қолган уч ярим йиллик ваколат муддатидан ўз ташаббуси билан воз кечиш зарурати қуйидагича асослаб берилди:

биринчидан, ҳокимиятнинг барча бўғинлари ислоҳ қилиниб, улар ўртасидаги муносабат ва мувозанат жиддий ўзгармоқда;

иккинчидан, янгиланган Конституциямиз Президент, парламент, ҳукумат, вазирлар, ҳокимлар олдига кечиктириб бўлмайдиган янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни қўймоқда;

учинчидан, халқимиз биздан барча соҳаларда ғоят муҳим ва долзарб ўзгариш ва ислоҳотларни кутмоқда;

тўртинчидан, дунёда ва минтақамизда кескин ва мураккаб жараёнлар ҳукм сураётган ҳозирги вазиятда тўғри ва самарали ривожланиш йўлини излаб топиш ва уни амалга ошириш энг ўткир ва долзарб масалага айланмоқда.

Бундай улкан вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун янгиланган давлат ҳокимияти тизимида халқимиз ўзи ишонган раҳбарга мандат бериши мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Йиғилиш иштирокчилари бу ташаббус Президентимизнинг ўзбек халқига, демократик принципларга бўлган чексиз ҳурмати ва садоқати намунаси эканини эътироф этди.

Шу билан бирга, муҳокамаларда муддатидан илгари Президент сайловини ўтказиш давлат ҳокимиятининг янгиланган Конституция талабларига мувофиқ замонавий ишлаши, халқ ҳокимиятчилиги принципининг тўлақонли амалга оширилишига хизмат қилиши таъкидланди.

Йиғилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Конституциявий суд раҳбарлари ҳам сўзга чиқиб, Президентимиз томонидан илгари сурилган таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватладилар.

Муҳокама якунида кўзланган марралар қанчалик юксак ва мураккаб бўлмасин, уларга эришиш учун бизда барча имкониятлар борлиги, буюк аждодларимиз мероси, халқимизнинг бунёдкорлик қудрати, интеллектуал ва маънавий салоҳияти, унинг тадбиркорлик фазилати бу йўлда бизга куч-қудрат манбаи бўлиши таъкидланди.

**ЎзА.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

# ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◀ 1-бет

**2.** Белгилаб қўйилсинки:

давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари янги таҳрирдаги таъминлаш учун **шахсан жавобгар** ҳисобланади;

янги таҳрирдаги Конституция **олий юридик кучга эга** эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида **тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилади**;

янги таҳрирдаги Конституция нормаларини уларни амалга ошириш учун бошқа қонунчилик ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги ёки қонунчиликка Конституцияга мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаганлиги важи билан қўллашни **рад этиш қатъиян тақиқланади**.

**3. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда – дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**4.** Қуйидагилар:

**Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устувор ғояларини рўёбга чиқариш ва нормаларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича Давлат комиссияси** (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси) 2-иловага мувофиқ таркибда;

**Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат принципларини изчил амалга ошириш бўйича экспертлик кенгашлари** (кейинги ўринларда – экспертлик кенгашлари) 3–7-иловаларга мувофиқ таркибларда тузилсин.

**5.** Белгилансинки, Давлат комиссияси:

янги таҳрирдаги Конституция ва дастурни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари, экспертлик кенгашларининг янги таҳрирдаги Конституция ва дастурни амалга ошириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

янги таҳрирдаги Конституция ва дастурни амалга оширишда кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар ва хорижий экспертлар иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратади;

янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш доирасида қилинган ишларни кенгайтирилган тарзда **йилига камида икки маротаба танқидий муҳокама қилиб боради** ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари, экспертлик кенгашлари раҳбарларининг **ҳисоботларини эшитади.**

**6.** Экспертлик кенгашлари (Т. Нарбаева, Н. Исмоилов, Н. Йўлдошев, Ж. Қўчқоров, А. Ташкулов):

**2024 йил 1 январга қадар** ўрта ва узоқ истиқболли **суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий** ва **дунёвий давлатни ривожлантириш концепциялари** ишлаб чиқилиши ва Давлат комиссиясига киритилишини таъминласин;

янги таҳрирдаги Конституцияда мустаҳкамланган **суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатнинг устувор принциплари** ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида **акс эттирилиши устидан мониторинг** олиб борсин;

янги таҳрирдаги Конституция ва дастурнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар чоракда Давлат комиссиясига **ҳисобот** киритиб борсин.

**7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти** янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш жараёнини ахборот-таҳлилий, илмий ва экспертлик жиҳатдан таъминлаш учун **масъул** этиб белгилансин ва унинг зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини **илмий экспертизадан ўтказиш**;

давлат органлари, айниқса, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида янги таҳрирдаги Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланиши ҳолатини **мониторинг қилиб бориш**;

янги таҳрирдаги Конституция асосида **янги ўқув дастурлари, дарсликлар ва бошқа қўлланмаларни тайёрлаш** бўйича илмий-методик чора-тадбирларни мувофиқлаштириш.

**8.** Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари корпусини шакллантиришнинг **мажоритар-пропорционал шаклига асосланган сайлов тизимини** жорий этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига **бир ой муддатда** мажоритар-пропорционал шаклга асосланган сайлов тизимига ўтишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

**9.** Янги таҳрирдаги Конституциянинг 32-моддасида белгиланган **мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи** тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида:

Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) **икки ой муддатда "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"**ги Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш бўйича қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин;

Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) **бир ой муддатда фуқароларни яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда хабардор қилиш тартиби**ни жорий этишга қаратилган **мутлақо янги механизмларни** назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини тақдим қилсин.

**10.** Янги таҳрирдаги Конституциянинг 78-моддасида белгиланган болалар ва ёшларда халқнинг бой маданий меросидан фахрланиш, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришга оид қоидаларни амалга ошириш мақсадида **2023 йил 1 сентябрдан бошлаб** республика фуқароси ҳисобланган ва 18 ёшгача бўлган болаларнинг **маданий мерос объектларига**, жумладан, кўргазмалар, тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар, шунингдек, давлат музейларига **тўловсиз кириш тартиби жорий этилсин.**

Олий Мажлис палаталарига бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, боланинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлиқ ривожланиши учун муносиб шарт-шароитларни яратиш мақсадида **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида"ги қонун** лойиҳасини қисқа муддатда қабул қилиш тавсия этилсин.

**11.** Фуқароларнинг янги таҳрирдаги Конституциянинг 50-моддасида белгиланган **таълим олиш ҳуқуқлари** кафолатларини янада кучайтириш мақсадида **2023 йил 1 августдан** бошлаб солиқ тўловчилар томонидан ёшидан қатъи назар фарзандларининг Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларида таълим олишлари учун йўналтириладиган тўловлар **солиқ солинмайдиган даромадлар тоифасига киритилсин**.

**12.** Янги таҳрирдаги Конституциянинг 41, 65–67-моддалари талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, мулкий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, ушбу ҳуқуқларни чеклаётган омилларни бартараф этиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик мақсадида 2023 йил 1 июндан бошлаб қуйидагилар **бекор қилинсин**:

тўлов хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказмалари амалга оширилганда, уларга кўрсатилган хизматлар учун **электрон ҳисобварақ-фактуралар тақдим этиш ва расмийлаштириш** тартиби;

**чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг** фаолият кўрсатиш **вақтига** нисбатан чекловлар.

**13.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) Марказий банк (М. Нурмуратов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов), Табиат ресурслари вазирлиги (А. Абдухакимов) билан биргаликда **икки ой муддатда** "яшил молиялаштириш" механизмларини татбиқ этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин ва унда шу жумладан, **"яшил сертификат", "яшил кредитлар"** ва халқаро тажрибада кенг фойдаланиладиган бошқа институтларни назарда тутсин.

**14.** Янги таҳрирдаги Конституциянинг 55-моддасида белгиланган ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини **суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатларини** янада кучайтириш мақсадида **2024 йил 1 январдан** бошлаб, маъмурий судларга шикоят қилишда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларидан **давлат божини ундирмаслик**, бунда давлат божини ишни кўриб чиқиш натижаси бўйича айбдор тарафдан ундириш тартиби жорий этилсин.

Олий суд (Б. Исламов) Адлия вазирлиги (А. Ташкулов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) билан биргаликда **2023 йил 1 октябрга** қадар ушбу бандда назарда тутилган масала бўйича қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

**15.** Янги таҳрирдаги Конституциянинг 21-моддасида белгиланган **ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик принципини** ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Олий суд (Б. Исламов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) билан биргаликда:

**икки ой муддатда** маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда шартномавий ва бошқа фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган жавобгарлик чораларини бекор қилиш;

**2024 йил 1 январга қадар** қонунчилик базасини тўлиқ хатловдан ўтказиб, унда белгиланган ҳуқуқий таъсир чораларини мутаносиблик принципига мувофиқлаштириш бўйича **таклифлар киритсин**.

**16.** Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев), Олий суд (Б. Исламов) ва Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) билан биргаликда **икки ой муддатда** янги таҳрирдаги Конституциянинг 29-моддасида белгиланган давлатнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитларни яратиш мажбурияти тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган механизмларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

**17.** Янги таҳрирдаги Конституциянинг 26-моддасида белгиланган инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Олий суд (Б. Исламов) ва Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов) билан биргаликда **2023 йил 1 августга қадар** қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашда шахсни **ҳибсхонага жойлаштиришдан олдин мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини** жорий этиш бўйича асослантирилган таклифларни киритсин.

**18.** Янги таҳрирдаги Конституция 142-моддаси талабларидан келиб чиқиб:

**а)** жиноят процессида **ҳимоячининг мақомини кучайтириш** мақсадида, унга қуйидаги **қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар** берилсин:

суриштирув ва дастлабки терговда ҳимоячи томонидан исталган вақтда **жиноят ишини қўзғатиш ва тугатиш ҳақидаги қарорлардан нусха** олиш;

кўрсатмаларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) учун **судга тўғридан-тўғри илтимоснома** киритиш;

терговга қадар текширув ўтказилаётган шахсларга малакали юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида **терговга қадар текширув жараёнида ҳимоячи мақомида иштирок этиш**;

иш бўйича шартнома асосида суд **экспертизалари ўтказилишини** ва зарур билимга эга **мутахассислар жалб қилинишини** ташкиллаштириш;

жиноят иши бўйича маълумотларга эга шахсларни сўровдан ўтказишда уларнинг розилиги билан **махсус техника воситаларидан фойдаланиш**;

**б)** адвокатура соҳасига ёш кадрларни фаол жалб қилиш мақсадида **2023 йил 1 сентябрдан бошлаб** олий таълим ташкилотлари юриспруденция йўналишида таҳсил олаётган битирувчи курс талабаларига адвокатлик тузилмаларида меҳнат қонунчилигига мувофиқ ўқишдан бўш вақтда **адвокат ёрдамчиси сифатида иш фаолиятини олиб бориш**га рухсат этилсин.

Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Олий суд (Б. Исламов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов) ва Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) билан биргаликда **икки ой муддатда** ҳимоячининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришни, адвокат ёрдамчиси сифатида иш фаолиятини олиб бориш тартибини такомиллаштиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

**19.** Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Миллий гвардия (Р. Джураев) ва Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов) билан биргаликда **бир ой муддатда** ушланган ва тергов остида бўлган шахснинг конституциявий процессуал ҳуқуқларини батафсил тушунтириб берувчи **кўргазмали материалларнинг** ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, тергов идоралари биноларида фуқароларга кўринадиган тарзда жойлаштирилишини таъминласин.

**20.** Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И. Абдурахманов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **2023/2024 ўқув йили бошлангунига қадар:**

барча таълим турлари ва босқичларидаги **Конституцияни ўрганиш бўйича ўқув режалари ва таълим дастурларини** қайта кўриб чиқиш ва уларни янги таҳрирдаги Конституция норма ва қоидаларига мослаштириш;

ўқувчиларга, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, янги таҳрирдаги Конституцияни ўргатиш бўйича замонавий методика асосида **дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва махсус адабиётларни яратиш** чораларини кўрсин.

Мазкур банддаги чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланси.

**21.** Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (Ғ. Мирзаев) Адлия вазирлиги (А. Ташкулов), Судьялар олий кенгаши (Х. Ёдгоров) ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда **бир ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи **2023–2024 йилларда янги таҳрирдаги Конституция бўйича давлат фуқаролик хизматчилари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимларини ўқитиш режаси**ни тасдиқласин:

**алоҳида** график асосида барча бўғиндаги **давлат фуқаролик хизматчилари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимларига** янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳиятини ўқитишни ташкил этиш;

давлат фуқаролик хизматчилари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимларининг **конституциявий маданияти, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва баҳолаш тизимини** янги таҳрирдаги Конституцияга мослаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш.

**22.** Олий Мажлис палаталари, Конституциявий суд, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг **янги таҳрирдаги Конституциянинг моддама-модда илмий-амалий шарҳини** тайёрлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

**Янги таҳрирдаги Конституциянинг моддама-модда илмий-амалий шарҳини тайёрлаш бўйича таҳрир кенгаши** 8-иловага мувофиқ таркибда шакллантирилсин ва унинг ишчи органи этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти белгилансин.

Таҳрир кенгаши (М. Рахманкулов):

шарҳни тайёрлашда **янги таҳрирдаги Конституциянинг кўп миллатли халқимизни бирлаштиришдаги салоҳияти**ни, унда ўз аксини топган **суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий** ва **дунёвий давлат принципларини**, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг янги механизмларини очиб беришга, шунингдек, унинг матни аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшлар учун **тушунарли** ва **содда тилда** бўлишига эътибор қаратсин;

етакчи миллий ва хорижий экспертлар, ҳуқуқшунослар ва давлат арбобларини жалб этган ҳолда, **2023 йил 1 декабрга қадар** шарҳ матни тайёрланишини ҳамда ўзбек ва хорижий тилларда чоп этилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

**23.** Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти (М. Рахманкулов) ва Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) **2023 йил 1 июнга қадар** ўзбек ва хорижий тилларда **"Янги Ўзбекистон Конституцияси" ягона миллий портали** (кейинги ўринларда – портал) ва унинг **мобил иловаси** ишга туширилишини таъминласин.

Бунда, портал ва унинг мобил иловасида фуқаро ва тадбиркорлар учун қонунчиликни янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштириш ҳамда уни амалга оширишда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни тақдим этиш имконияти назарда тутилсин.

**24.** Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти (М. Рахманкулов) билан биргаликда **уч ой муддатда** қонуности ҳужжатларини **хатлов**дан ўтказиш ҳамда **порталга келиб тушган таклифларни умумлаштириш натижаларига кўра** янги таҳрирдаги Конституцияга **мувофиқлаштирилиши лозим бўлган нормаларни қайта кўриб чиқиш** бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**25.** Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига оммавий ахборот воситаларида янги таҳрирдаги Конституциянинг ҳаётга татбиқ этиб борилиши, шу жумладан, аҳолининг турмушидаги ижобий ўзгаришларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**26.** Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб дастурда ижрочи сифатида назарда тутилган вазирликлар, идоралар ва экспертлик кенгашлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С. У. Умурзаковга юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 8 май

# ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувдаги нутқи**

Ҳурматли парламент аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари!

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Хабарингиз бор, шу йил 30 апрель куни мамлакатимиз ҳаётида, ҳеч шубҳасиз, том маънодаги улкан тарихий воқеа бўлиб ўтди. Биринчи марта умумхалқ референдуми асосида янгиланган Конституциямизни қабул қилдик.

Референдумда қатнашган фуқароларимизнинг мутлақ кўпчилиги "Бу – менинг Конституциям", деб ғурур билан овоз берди.

Референдум кейинги йилларда халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқараши нақадар юксалганини амалда кўрсатди. Ушбу тарихий танлов орқали халқимиз бундан олти йил олдин бошлаган ислоҳотларимизга катта ишонч билан қараб, уларни тўла қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди. Эл-юртимизнинг ана шундай азму қарори асосида давлатчилигимиз ва иқтисодиётимизни бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратилди.

Буларнинг барчаси – миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимиз "қилса бўлар экан-ку", деб, ўз рўзғори, оиласи мисолида юртимизда юз бераётган катта ўзгаришларни яққол сезаётганидан далолат эмасми?

Конституциямиз лойиҳасини муҳокама қилишдан бошлаб то уни қабул қилгунча бўлган даврда ўтказилган умумхалқ муҳокамаларида миллионлаб юртдошларимиз фаол ва муносиб иштирок этдилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, янгиланган Конституциямизнинг чинакам муаллифи халқимиз бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Энг муҳими, энди ислоҳотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз, "инсон – жамият – давлат" деган янги тизим асосида фақат ва фақат олдинга қараб борамиз.

Албатта, халқимизнинг референдумдаги овози, билдирган юксак ишончи барчамизга катта масъулият юклайди, эл-юртимизни рози қилиш учун бизни янги марраларга ундайди, ислоҳотларни жадал давом эттиришда янада катта куч-ғайрат ва илҳом бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзининг юксак фуқаролик бурчини чин дилдан адо этиб, Асосий қонунимизни қабул қилишда амалий таклиф ва ташаббуслари, ғоя ва фикрлари билан фаол иштирок этган кўпмиллатли, мард ва олижаноб халқимизга таъзим қиламан.

Шу билан бирга, жамиятимиздаги янгиланиш ва ўзгаришларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатиб, эзгу ишларимизда бизни қўллаб-қувватлаб келаётган муҳтарам нуронийларимиз, илм-фан ва маданият арбоблари, зиёлиларимизга, жонкуяр ўқитувчи-мураббийлар ва шифокорларимизга, иқтисодиётимиз ривожига янги куч бераётган тадбиркорларимизга, ишчи-хизматчилар, миришкор деҳқон ва фермерларимизга, кластерлар ходимларига, жамиятимизнинг таянч устуни бўлмиш маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари ва профилактика инспекторларига, келажагимиз эгаси бўлган азму шижоатли ёшларимизга, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг барча ҳақиқий ватанпарварларига самимий миннатдорлик билдираман.

Айни пайтда халқ билан мулоқот қилиб, унинг фикрини олиб, Асосий қонунимизни такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшган Конституциявий комиссия аъзоларига, барча депутат ва сенаторлар, сиёсий партиялар вакилларига, қонун лойиҳасини халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқишда фаол иштирок этган олимлар, маҳаллий ва хорижий экспертларга, референдум жараёнларини ҳаққоний ёритиб, ўзининг холис фикрларини билдирган барча оммавий ахборот воситалари ходимларига, халқаро кузатувчиларга алоҳида ташаккурлар айтаман.

Азиз ватандошлар!

Ҳеч шубҳасиз, халқимиз ўз танловини амалга ошириб, янгиланган Конституция учун овоз берган 30 апрель санаси тарихимизда унутилмас ёрқин саҳифа бўлиб қолади. Айнан шу куни кўпни кўрган, ҳаёт маъносини, тинчлик ва инсон қадрини чуқур англайдиган эл-юртимиз демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатини яна бир бор амалда тасдиқлади.

Қадим тарихимиздан келиб чиққан ҳолда, ота-боболаримизга хос эзгу қадриятларни рўёбга чиқариш, яъни инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, одамларимиз билан бамаслаҳат иш кўриш биз учун чинакам демократия намунасидир.

Халқимизда "Бирдамлик бор жойда илдамлик бор", деган доно нақл бежиз айтилмаган. Чиндан ҳам, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик бўлган юртда албатта қут-барака, тараққиёт бўлади.

Бизнинг энг катта бойлигимиз – Ўзбекистонни ўзи учун ягона Ватан деб биладиган кўпмиллатли буюк халқимиздир. Жонажон юртимизда қарор топган миллатлараро дўстлик ва аҳилликни – мана шундай бебаҳо хазинамизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг олий бурчимиздир.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Янгиланган Конституциямизнинг биринчи моддасида Ўзбекистон – суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат деб, қатъий белгилаб қўйилгани тарихий аҳамиятга эга. Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан Асосий қонунда муҳрланган бу принциплар – мамлакатимизнинг тараққиёт йўли ва тақдирини, унинг келажагини белгилаб берган ушбу "бешта устун" ҳеч қачон ўзгартирилмайди.

Дунёда кундан-кунга янги-янги синовлар, хавф-хатар ва таҳдидлар пайдо бўлаётганини барчангиз кўриб турибсиз. Энг нуфузли сиёсатшунос ва экспертлар ҳам, "ақл марказлари" ҳам жаҳонда содир бўлаётган ҳозирги зиддият ва тўқнашувлар қачон ва нима билан тугашини айта олмаяпти.

Шундай мураккаб вазиятда, ҳар бир ишимизда, қабул қилаётган барча қонун ва қарорларимизда фақат ва фақат халқимиз, Ватанимиз манфаатлари энг устувор ўринда туриши шарт. Бунинг учун, биринчидан, ота-боболаримизнинг асрий армони бўлган, тенгсиз ва буюк неъмат – мустақиллигимизни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш ва келгуси авлодларга мерос қилиб қолдириш барчамиз учун ҳаёт-мамот масаласи эканини унутмаслигимиз зарур.

Бизнинг уч минг йиллик давлатчилик тарихига, бой ва бетакрор маданиятга эга бунёдкор халқимиз бор. Қирқ миллионга яқинлашиб бораётган бугунги Ўзбекистон халқининг тақдири ва истиқболи, фаровон ҳаёти учун барчамиз масъул ва жавобгармиз. Шу сабабдан юртимизда тинчлик ва барқарорликни асраш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Шу мақсадда миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқамиз.

Эл-юртимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш учун "хавфсиз шаҳар", "хавфсиз маҳалла", "хавфсиз кўча" концепцияларини жадал амалга оширамиз. Бунинг учун янги ташкил қилинган "маҳалладаги бешлик" тизимини давлат ва жамият томонидан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз. Фуқаролараро тотувлик, миллатлараро дўстлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Дунёдаги ҳозирги мураккаб вазиятда тинчликсевар ташқи сиёсатимизни давом эттириб, узоқ ва яқин давлатлар билан дўстлик алоқаларини, барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантирамиз.

Биз мамлакатимиз суверенитетини янада мустаҳкамлашда глобал иқлим ўзгариши, озиқ-овқат, энергетика, логистика билан боғлиқ хавф-хатарлар, сув тақчиллигининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича янги ташаббус ва дастурлар ишлаб чиқиб, ҳамкорларимиз билан бирга фаол иш олиб борамиз.

Иккинчидан, биз Ўзбекистонни ижтимоий давлат, деб эълон қилдик.

Мамлакатимизда 2 миллион 200 мингдан зиёд оилалар ижтимоий кўмакка муҳтож. Аҳолимизнинг 55 фоизи ёшлардан иборат.

Шу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Янгиланган Конституциямизда давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари 3 баробар кўпайтирилмоқда. Бу рақамни айтиш осон, лекин уни амалда таъминлаш учун жуда кўп ишлашимиз зарур. Бунга давлат бюджетидан ҳар йили қўшимча 30-40 триллион сўм ажратиш керак бўлади. Бунинг ҳисобидан, ҳар йили юзлаб янги боғчалар, мактаб ва шифохоналар қуришимиз лозим.

Ёшлар сиёсатини, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантиришни устувор вазифа сифатида юқори босқичга кўтариш бўйича ҳам янги имкониятларни сафарбар этамиз. Нуронийлар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган инсонлар, алоҳида эътиборга муҳтож аҳоли қатламига ижтимоий хизматлар кўламини янада кенгайтирамиз. Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини мунтазам ошириб борамиз.

Ўзимизга савол берайлик, нима учун аҳолимиз референдумда бунчалик фаол бўлди?

Нимага улар ислоҳотларимизни қўллаб-қувватламоқда? Чунки, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимизнинг қишлоқ ва овулларидан тортиб, пойтахтимиз маҳалла ва кўчаларидаги улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларини ўз кўзлари билан кўраяптилар.

Биргина мисол, ўтган йилдан бошлаб "очиқ бюджет" тизимини жорий этганимиз қишлоқ ва маҳаллалардаги оддий одамларимиз кайфиятига қандай ижобий таъсир кўрсатганини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Лекин, одамларимизнинг ўсиб бораётган талабларини қондириш учун ҳозиргидан кўра икки карра кўп ишларни бажаришимиз керак.

Яхши биласизлар, биз мамлакатимизда камбағаллик борлигини тан олиб, алоҳида дастурлар асосида уни қисқартириш бўйича катта иш олиб бормоқдамиз.

Шу мақсадда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини ошириш борасида "учта дафтар", ижтимоий реестр тизимини йўлга қўйиб, салмоқли натижаларга эришдик. Лекин ҳали қиладиган ишларимиз ҳам оз эмас.

Бу борада одамларимиз янгиланган Конституциядан, биз жорий этаётган янги тизимдан кўп нарсаларни кутмоқда.

Аҳолимизга муносиб турмуш шароитларини яратиш учун, энг аввало, иқтисодий ўсишни таъминлаш зарур. Ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмини ҳозирги 80 миллиард доллардан яқин йилларда 160 миллиард долларга етказиш учун бор имкониятларни ишга солишимиз керак. Бу – аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми 4 минг долларга етади, дегани.

Биз бундан буён ҳам хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, солиқ маъмурчилигини янада соддалаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш борасидаги ишларни жадал давом эттирамиз. Айниқса, қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, энергетика, транспорт, қурилиш соҳаларига катта-катта инвестициялар жалб қилинади.

Умуман, ҳукумат 1 августга қадар давлат ўзига олган ҳар бир янги мажбурият бўйича уларнинг маблағлари, ижро механизмлари, бу масалада масъул вазирлик ва ҳокимликлар ҳамда мутасаддилар аниқ кўрсатилган алоҳида дастур ишлаб чиқиб, парламентимизга киритади.

Учинчидан, Конституциямизда илк бор, Ўзбекистон Республикасига ҳуқуқий давлат деган таъриф берилди.

Бош қомусимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар ҳам 3 баробар кўпайтирилди.

Бу – аввваламбор барча соҳада қонун устуворлиги таъминланади, дегани.

Бундан буён, қонунлардаги ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлади.

Энг муҳими, "Қонун – муқаддас, ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтириш шарт!" деган қараш жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдорлар учун ҳаёт қоидасига айланиши керак.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун судларнинг одил ва мустақил иш юритишини албатта амалда таъминлашимиз зарур.

Шу мақсадда, Асосий қонунимизда ҳеч ким суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги белгиланди. Эркинликни чеклашга фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамланди. Айбланувчига ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни "сукут сақлаш" ҳуқуқи биринчи марта алоҳида белгилаб қўйилди. Адвокатлар мақоми оширилиб, уларнинг терговчи ва прокурор билан тенг ваколатга эга экани қайд этилди.

Албатта, Асосий қонунга киритилган бу илғор янгиликларни амалда жорий этиш осон бўлмайди, кўп жамиятлар бундай ўзгаришларни фақат орзу қилади. Бунинг учун суд-ҳуқуқ идораларининг кадрлар салоҳиятини яхшилаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашимиз зарур.

Энг муҳими, терговчи, прокурор, судья, адвокатларнинг билим ва малакаси, маънавий дунёсини юксалтириш билан бирга, аҳолининг ҳам ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳаммамиз учун дунёқарашимизни ўзгартириш талаб этилади. Қандай оғир бўлмасин, бу ишларни амалга оширишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Тўртинчидан, демократик тараққиёт йўлини қатъий давом эттирамиз.

Бош қомусимизда бу мақсадга эришиш кафолатларини янада кучайтирдик. Бизга инсон ва бизнеснинг оғирини енгил қиладиган, уларга сифатли хизмат кўрсатадиган ихчам ва самарали бошқарув тизими керак. Маъмурий ислоҳотларни айнан шу мақсадда бошладик. Биринчи босқичда ҳукумат ва вазирликлар ихчам қилиниб, уларнинг иш услуби ўзгартирилди. Навбатдаги вазифамиз – вилоят ва туман даражасида ҳам бошқарув сифатини оширишдан иборат.

Менинг энг катта ниятим – одамларни қийнаётган муаммоларни маҳалланинг ўзи ечадиган халқчил тизим яратиш. Шу боис, молия, солиқ, бандлик каби идораларнинг камида 30 фоиз ваколатларини маҳалла даражасига тушириш мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга, янгиланган Конституциямиздаги ўзгаришлар бир қатор сиёсий ислоҳотларни ҳам назарда тутади. Бу борада парламент фаолиятида муҳим ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 тага, Сенатда эса 14 тадан 18 тага етказилди.

Айни пайтда, палаталарнинг ваколатларига ҳам аниқлик киритилди. Масалан, ҳукуматни шакллантириш, унинг фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш масалалари Қонунчилик палатасининг ваколатига ўтказилди.

Шу билан бирга, депутатларимиз асосий эътиборни қонунларнинг сифати ва таъсирчанлигини оширишга қаратадиган, уларнинг ижросини самарали ташкил этишда ҳукумат билан биргаликда қаттиқ ишлайдиган вақт келди.

Сенатнинг фаолияти эса ҳудудлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, маҳаллий Кенгашларга ҳар томонлама кўмаклашиш, жойларда, айниқса, маҳаллаларда қонунлар ижросини таъминлашга йўналтирилиши зарур.

Буларнинг барчаси, депутат ва сенаторларимиз зиммасига катта масъулият юклаши табиий, албатта. Энди улар пастга тушиб, кўпроқ одамларимиз билан учрашиб, уларнинг муаммоларини эшитса, вазирлар ва ҳокимлар билан биргаликда ҳар бир масала бўйича аниқ ечимларни топса, бундан умумий ишимизга фақат фойда бўлади.

Бугунги кунда халқ овози ва фикрини кенг жамоатчиликка, давлат идоралари эътиборига олиб чиқаётган энг таъсирчан куч, бу – оммавий ахборот воситалари, журналистлардир.

Жамиятимиздаги очиқлик сиёсатини изчил давом эттириш мақсадида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, ахборот олиш, фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқлар қатъий кафолатланмоқда.

Шу билан бирга, сўз эркинлиги, бу – масъулият ҳам дегани. Яъни ахборот маконида ҳаққонийлик ва холислик бош мезон эканини унутмаслигимиз зарур.

Айни пайтда нодавлат ташкилотларнинг ролини ошириш, ҳуқуқларини кафолатлаш орқали фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Бешинчидан, Ўзбекистон – дунёвий давлат ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Халқимизнинг референдум орқали билдирган хоҳиш-иродаси, қатъий танлови ҳам шу.

Бундан буён ҳам миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг виждон эркинлиги таъминланади. Барча диний конфессиялар эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб берамиз,

Мамлакатимизда миллатлар ва конфессиялар ўртасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш сиёсатини изчил давом эттирамиз. Жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳеч қачон йўл қўймаймиз.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Мен Президент сифатида иш бошлаган биринчи кунданоқ "Биз халқимизга хизмат қилгани келганмиз. Биз халқимизни рози қилиш учун келганмиз", деган гапларни доим такрорлайман.

Биз ислоҳотларни бошлаган пайтда, ўзимиз тасаввур ҳам қилмаган жуда кўп муаммо ва синовларга дуч келдик. Уларга эл-юртимиз билан биргаликда ечим топиб, ҳар бир масалани жойида ҳал қилиб боряпмиз. Чунки, янгиланган Конституциямизнинг маъно-мазмуни, бош мақсади ҳам халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратиб беришдан иборатдир. Бу мақсад йўлида қанчалик оғир бўлмасин, зарур маблағларни, керак бўлса, ортиқчаси билан топиб, барча имкониятларни ишга солаяпмиз.

Халқимизнинг ўзи – энг адолатли ҳакам. Мен аминман, бугун юртимиздаги ҳар бир инсон "ҳаётимда ижобий ўзгариш бўлмоқда", деб айта олади.

Бугун биз тарихнинг янада масъулиятли ва ҳал қилувчи палласида турибмиз. Мамлакатимиз тараққиётида мутлақо янги даврга қадам қўймоқдамиз. Чунки, янгиланган Конституциямизни қабул қилиш билан биз Учинчи Ренессанс учун ҳуқуқий пойдевор яратдик. Бугун халқимиз интилаётган ана шу буюк мақсадни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаман, деган ҳар бир юртдошимиз, аввало, ушбу пойдеворга таяниб, ҳаракат қилиши лозим.

Айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда, ёшларимиз келажаги учун мустаҳкам замин ҳозирлашда Асосий қонунимиз уларга беқиёс имкониятлар очиб беради.

Шу муносабат билан, мен бугун иккита муҳим фармонни имзоладим.

Биринчи фармон янгиланган Конституциямизни ҳаётга жорий этиш, ижросини таъминлаш учун унинг мазмун-моҳиятини халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича аниқ вазифаларни назарда тутади.

Шу маънода, Бош қонунимизнинг ҳар бир банди ва моддасини жамиятимиз, айниқса, ёшларимиз учун ҳаёт қоидасига айлантириш, бу борада уларнинг тушунча ва тасаввурларини кенгайтириш, ҳар бир маҳалла, таълим маскани, ташкилот ва корхонада чуқур ўрганиш мақсадида ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратиш зарур.

Шу билан бирга, янгиланган Конституциянинг 128-моддасида мамлакат Президентига берилган ваколатдан фойдаланиб, мен иккинчи муҳим Фармонни имзоладим. Унга мувофиқ, юртимизда муддатидан илгари Президент сайлови ўтказилади.

Бундай қарорга келиш учун қандай объектив зарурат бор, деган савол туғилиши табиий, албатта.

Нима учун, қолган уч ярим йиллик Президентлик муддатидан ўз ташаббусим билан воз кечаяпман? Чунки, ўзингиз кўриб турибсиз, Асосий қонунимизга мувофиқ, биринчидан, ҳокимиятнинг барча бўғинлари ислоҳ қилиниб, улар ўртасидаги муносабат ва мувозанат жиддий ўзгармоқда.

Иккинчидан, янгиланган Конституциямиз Президент, парламент, ҳукумат, вазирлар, ҳокимлар олдига кечиктириб бўлмайдиган янги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни қўймоқда.

Учинчидан, халқимиз биздан барча соҳаларда ғоят муҳим ва долзарб ўзгариш ва ислоҳотларни кутмоқда.

Тўртинчидан, дунёда ва минтақамизда кескин ва мураккаб жараёнлар ҳукм сураётган ҳозирги вазиятда тўғри ва самарали ривожланиш йўлини излаб топиш ва уни амалга ошириш энг ўткир ва долзарб масалага айланмоқда.

Шу муносабат билан бутун халқимизга мурожаат қилмоқчиман.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар, барчангиз кўриб турибсиз, олдимизга бугун янада улкан марралар қўймоқдамиз.

Бундан буён ҳам жамият ва давлат ҳаёти, бугунги ва келгуси тараққиётига оид ҳар бир масала бўйича фақат ва фақат сизлар, донишманд, бағрикенг халқимиз билан бамаслаҳат иш олиб борамиз.

Асосий қонунимизда халқ – давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи, деб бежиз ёзилмаган. Шу нуқтаи назардан, янгиланган давлат ҳокимияти тизимида халқимиз, яна бир бор айтаман, фақат халқимиз ўзи ишонган раҳбарга мандат бериши мақсадга мувофиқ.

Ўйлайманки, бугунги мавжуд шароитда бу – энг тўғри ва адолатли қарор бўлади.

Сайловлар қонунга тўла мувофиқ ҳолда, очиқ ва ошкора тарзда ўтказилади. Бунда сиёсий партиялар, Президентликка номзодлар юртимиз тинчлиги ва унинг равнақига, халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган янги ғоя ва ташаббуслар билан майдонга чиқадилар, деб ишонаман.

Қадрли юртдошлар!

Шу ўринда бир фикрни яна таъкидлаб айтмоқчиман: кўзлаган марраларимиз қанчалик юксак ва мураккаб бўлмасин, уларга эришиш учун бизда барча имкониятлар бор.

Буюк аждодларимиз мероси, халқимизнинг бунёдкорлик қудрати, интеллектуал ва маънавий салоҳияти, унинг меҳнатсеварлик ва тадбиркорлик фазилати бу йўлда бизга куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ишончим комил, сизлар билан, бутун халқимиз билан эзгу мақсадларимизга албатта етамиз. Янги Ўзбекистонни барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, биргаликда қурамиз.

Мана шундай улуғ мақсад йўлида ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, янги ютуқ ва зафарлар, оилавий бахт-саодат тилайман.

Яратганнинг ўзи барча олижаноб ишларимизда мададкор бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

# Ҳарбий хизматчиларга янги уй калитлари топширилди

**Мамлакатимизда давлат хизматчилари, жумладан, жамоат тартибини сақлаш ва тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилаётган ходимларни турар-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Хусусан, ҳарбий хизматчилар, соҳа фахрийлари ва уларнинг оила-аъзолари учун Давлатобод туманининг Янги Наманган шаҳарчаси таркибига кирувчи Тадбиркор маҳалласида 16 қаватли 96 хонадондан иборат уй қуриб битказилди.

Янги уй-жойларни ҳарбийларга топшириш маросимида вилоят ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Шавкат Абдураззоқов ҳамда Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони генерал-майор Ойбек Саидов иштирок этди. Эзгу тилаклар билдирилиб, янги хонадонлар калитлари ўз эгаларига топширилди.

Ушбу эътибор ҳарбий хизматчиларни руҳлантириб, Ватан сарҳадларини ишончли ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифада уларга янада куч-қувват бағишлади.







Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлари.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тайёрланган мақолалар билан газетамизнинг 6-, 7-саҳифаларида танишасиз.

# Тошкент вилоятида бунёдкорлик ишлари жадаллашмоқда

**Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,**
журналист.

**Мутахассисларнинг маълумотига кўра, ҳар йили республикамизда 120 мингта турар жой барпо этилса, аҳолининг уй-жойга бўлган талаби таъминланар экан. Сўнгги йилларда бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шу йилнинг 5 апрель куни Президентимиз раислигида 2023 йилги ипотека дастури муҳокамасига бағишланган йиғилишда аҳолини уй-жой билан таъминлашда янги енгилликлар яратилиши таъкидланди. Шунингдек, ойлик тўлов миқдори арзон бўлган уйлар қурилиши ҳақида маълумот берилди. Йиғилишда 2023 йилда уй-жой қуриш ҳажмини 1,5 бараварга ошириб, 90 мингтага етказиш вазифаси қўйилди.**



Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари сингари Тошкент вилоятида ҳам бунёдкорлик ишлари тобора жадаллашиб, замонавий кўп қаватли уйлар, ижтимоий объектлар бунёд этилмоқда. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан пойтахт вилоятида "Менинг биринчи уйим" дастури ҳам бошланади. Унга Зангиота туманидан 36 гектар ер майдони ажратилиб, ушбу ҳудудни комплекс ривожлантириш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Ҳудудда 2,5 минг оилага мўлжалланган, барча стандартларга жавоб берувчи қулай ва энергиятежамкор 58 та кўп қаватли уй-жой барпо этилади. Уйлардаги 2 ва 3 хонали хонадонлар учун ойлик тўлов миқдори амалдаги субсидияли ипотека тўловларидан арзон бўлади.

Ушбу массивнинг лойиҳа режасига кўра мактаб, боғча, тиббиёт муассасаси ва аҳоли учун зарур бўлган бошқа масканлар қурилади. Мазкур массив фойдаланишга топширилиши натижасида пойтахтга яқин бўлган Зангиота, Тошкент, Янгийўл тумани ҳамда Янгийўл шаҳрида яшовчи аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи тўла таъминланади.

Жорий йилда пойтахт вилоятида 137 та 6 минг 98 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Шундан, 84 та 4 минг 88 та хонадонли уйлар "Янги Ўзбекистон" массивларида қурилади. Бугунги кунда Чирчиқ шаҳрида 15 та 948 хонадонли, Олмалиқ шаҳрида 15 та 1 минг 100 хонадонли уйларнинг қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Қўшимча иккита янги массивлар эса Нурафшон шаҳри ҳамда Зангиота туманида барпо этилиши белгиланган. 2023 йилнинг 1 июнигача 24 та, 1 октябрга қадар эса 53 та, 1 ноябргача 60 та турар жойлар тўлиқ фойдаланишга топширилиши бўйича катта саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, ҳозирги пайтда кўп қаватли турар жой биноларини қуришда сейсмик хавфсизлик масалаларини жойларга чиққан ҳолда, махсус ускуналар ёрдамида лаборатория синовлари ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўрганиш давомида асосий юк кўтарувчи конструкцияларнинг лойиҳавий мустаҳкамлиги таъминланмаган ҳолатларда қурилиш ишлари тўхтатилиб, демонтаж қилиниши таъминланяпти.

Жумладан, ўтган давр мобайнида вилоят ҳудудида қурилаётган кўп қаватли уйларда 554 марта мониторинг ишлари олиб борилди. Натижада лойиҳачи ва пудратчиларнинг масъул ходимларига нисбатан 138 та ёзма кўрсатма ҳамда 10 та ҳолатда маъмурий чоралар кўрилди. 2023 йил дастуридаги барча уй-жойларга энергия тежаш мақсадида қуёш панеллари ўрнатилиши белгиланиб, панеллар ва энергия тежамкор ускуналар ўрнатилмаган уй-жойларни фойдаланишга қабул қилмаслик тартиби қўлланилмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар туфайли уй-жойга эҳтиёжи бор фуқароларга қулайликлар яратилади.

# Қурилишда ўзибўларчилик ва ноқонуний ишлар кетмайди

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кейинги пайтда "Шаффоф қурилиш" тамойили асосида шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Соҳани янада такомиллаштириш, архитектура ҳамда бунёдкорликка масъул ташкилотлар фаолиятини юксалтириш механизмларини йўлга қўйиш муҳим масалага айланди.**







Зеро, кўп қаватли иншоотлар қуриш ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш бўйича рухсат бериш тартиб-таомилларининг мукаммал эмаслиги ва ишчи-ходимларни қурилиш-монтаж ишларига амалдаги қонунларга зид равишда жалб этилиши ўзбошимчалик билан қурилаётган бинолар сонининг ортишига олиб келаётир. Афсуски, баъзи ҳолларда "Бу турар жойлар ҳар қандай ташқи куч ёки зилзилаларга бардош бера оладими?" деган савол ана шундай ташкилотлардагиларни қизиқтирмаётгани ачинарлидир.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил қилинган пресс-турда Тошкент шаҳрининг бир қатор туманларида қурилиш меъёрлари ва талабларига мос келмайдиган ёки ноқонуний равишда қурилиш-монтаж ишларини олиб бораётган корхоналар фаолияти ўрганилди.

Хусусан, пресс-тур давомида Шайхонтоҳур туманидаги Лабзак кўчасида буюртмачи "Мустаҳкам қурилиш" қўшма корхонаси томонидан қад ростлаётган 25 қаватли турар жой иншооти қурилиши амалдаги тартиб-қоидаларга мос эмаслиги аниқланди. Мазкур объектда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 200-сонли қарори билан белгиланган талабларга амал қилинмаган ҳолда, яъни, ҳудудий назорат инспекцияси рўйхатидан ўтмай туриб иш олиб борилаётгани маълум бўлди. Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассисларининг таъкидлашича, ноқонуний фаолият учун корхона раҳбарлари бир неча бор огоҳлантирилган. Шунга қарамасдан, айни пайтда бинонинг 10-қаватигача қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда. Бу ҳақда туман ҳокими, суди ва прокуратурасига ҳам хатлар киритилиб, орадан бир неча ой ўтган бўлсада, бироқ улар ҳанузгача лом-мим, дейишмаганини қандай тушуниш мумкин?

Навбатдаги ўрганилган объект – Юнусобод тумани 18-мавзеда, айни пайтда уй-жойга муҳтож фуқаролар кириб яшаётган 54-кўп қаватли турар биноси бўлди. Айтиш жоизки, 2019 йилда давлат комисссияси назоратидан ўтгандан сўнг, бу ерда ҳам баъзи ноқонуний қурилмалар амалга оширилган. Халқимизда, "Мулк қадрига етган, мулкдор бўлади", – деган гап бекорга айтилмаган. Бугунги кунда фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ҳукуматимиз уй-жой қурилишига катта эътибор қаратяпти. Бироқ ўз уйи, ватан ичра ватанига эга бўлган киши уни асраб-авайлаши ҳам керак эмасми?

Таассуфки, мазкур уйда яшовчи фуқаролар юқорида айтилган фикрга зид равишда беэътибор бўлаётгани туфайли уйнинг ертўла қисмига эгалик қилган тадбиркор қурилишга оид меъёрий ҳужжатларни бузиб, унга турли ўзгаришлар киритган. Бу эса бинонинг сейсмик ҳолатига таъсир қилмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Бу камлик қилганидек, биринчи йўлакнинг иккинчи қаватида яшовчи фуқаро Н. Р. уй балконига салкам тўрт метрлик майдон қўшиб, ўзига офис қилиб олган.

Бунёд этилаётган кўп қаватли турар жойларда учраётган ноқонуний қурилма ёки қурилишлар бошқа туманларда ҳам йўқ эмас. Бу каби ўзбошимчаликларга барҳам бериш учун вазирлик ҳамда Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассислари ҳамкорлигида объектларга чиқиб, назорат таҳлиллари ўтказилмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар қандай ўзбошимчаликларга барҳам бериляпти.

Масалан, ана шундай назорат ишлари давомида Учтепа туманидаги "Янгиобод" МФЙ ҳудудида буюртмачи "New word star" масъулияти чекланган жамият томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой биносининг қурилиш ишлари таҳлил этилди. Унинг лойиҳа ҳужжатларида энергия самарадорлиги ва муқобил энергия технологиялари ҳамда энергия тежамкорлик чора-тадбирлари кўзда тутилмаган. Шунингдек, қурилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини бузган ҳолда айрим ишчи-хизматчилар махсус кийимлар тўпламидан ва ҳимоя каскалари ҳамда белбоғларидан фойдаланмаган. Бинонинг тасдиқланган лойиҳасида кўрсатилган гидроизолация ишлари лойиҳага мос тарзда бажарилмаган. Ушбу қоидабузарликлар юзасидан қурилишга масъул бўлган шахсларга ёзма кўрсатма берилиб, аниқланган нуқсонлар бартараф этилгунга қадар объектда қурилиш-монтаж ишлари тўхтатилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 16 февралидаги "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–57-сонли қарори бўйича Шайхонтоҳур туманидаги "Ko'h Ota" МФЙ ҳудудида "Bazis – T" буюртмачилигида бунёд этилаётган кўп қаватли турар жой биноси ҳам ўрганилди. Таҳлиллар натижасига кўра, энергия самарадорлигини ошириш ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилаётган тегишли ўзгаришлар юзасидан қурилишга масъул шахсларга тушунтириш ишлари олиб борилди.

Қурилишда сифат бирламчи масала. Шу боис, инсон ҳаёти билан боғлиқ бу масала масъуллар томонидан ҳар доим ва ҳар ерда эътиборга олиниши лозим. Ана шундагина юртимизда қад ростлаётган муҳташам ва салобатли бинолар халқимизга кўп йиллар беталафот хизмат қилади.

# "Чанг кўчалар тарихда қолди..."

**Зиё СИРОЖ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Замон шиддат билан ривожланиб бормоқда. Республикамизда ҳам шунга муносиб туб ўзгаришлар бўляпти. Оддий мисол, бундан бир-икки йил муқаддам чекка қишлоқ йўллари асфальтланар экан, энди чироқ ўчмасмиш, ичимлик сувини олисдан ташиб келиш шарт эмас, десангиз, ҳеч ким ишонмасди.**



Бугунги кунга келиб бу сўзлар амалда ўз исботини топмоқда. Зеро, ободонлаштириш, бунёдкорлик кириб бормаган кўчанинг ўзи қолмади, ҳисоб... Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Марҳамат туманида ушбу қарор ижросини таъминлаш учун 36 миллиард 822 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, ҳозирда лойиҳа ишлари 85 фоизга бажарилди.

Туман ҳокимининг ўринбосари Дилхушбек Исмоилов билан мавзуга доир саъй-ҳаракатлар ҳақида суҳбатлашар эканмиз, қарор ижросини таъминлаш доирасида туманда истиқомат қилувчи 80 минг нафардан зиёд аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашга эришилаётганига гувоҳ бўлдик.

– Боиси, ушбу қарор туманимиздаги аҳолини узоқ йиллар давомида қийнаб келаётган оғир муаммоларнинг ижобий ечимини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда, – деди у. – Ёзда чанг, қишда лой кўчалар энди тарих саҳифаларида қолди, холос. Негаки, ички кўчаларни асфальтлаш ва таъмирлаш учун 16 миллиард 713 миллион сўмлик лойиҳа ишлари бажарилмоқда. Бунинг учун 14 та кўчада 37 км дан иборат йўл соз ҳолатга келтириляпти. Шу кунгача Наврўз, Мингтепа, Ойбек ва Ғафур Ғулом номли маҳаллалар қиёфаси тубдан ўзгарди.

Марҳамат тумани Андижон вилоятидаги тоза ичимлик суви таъминотида муаммолар мавжуд бўлган ҳудудлардан бири эди. Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан ҳудудларни сувлаштиришга бўлган эътибор туфайли манзилда таъминот даражаси 85 фоизга етказилди. Айни пайтда эса 23 та маҳаллада 26 та лойиҳа амалга ошириляпти. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан 19 миллиард 989 миллион сўм маблағ йўналтирилган. Натижада Чорбоғ, Бинафша, Тараққиёт, Найман, Орзу, Гулистон ва Оби ҳаёт каби 30 дан ортиқ сувлашмаган кўчаларга ҳам "оби ҳаёт" кириб борадиган бўлди.

Электр энергияси таъминотида ҳам ижобий ўзгаришларни кузатиш мумкин. Масалан, Увайсий номли кўчада истиқомат қилувчи аҳоли узоқ йиллар давомида таъминотнинг сифатсизлигидан, айниқса, куз-қиш мавсумидаги носозликлардан азият чекиб келаётган эди. Бунга ҳудудда истеъмолчилар сони ортсада, техник воситаларга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги сабаб бўлмоқда эди. Қарор ижросини таъминлаш доирасида маҳаллага бир дона трансформаторнинг ўрнатилиши барча муаммоларга чек қўйди.

– Бўлар экан-ку, чароғон хонадонда яшаса ҳам, – дея қувончига шерик қилди ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи Адолатхон Собирова. – Озгина шамол эсса ҳам юрагимиз "шув" этадиган бўлиб қолганди. Янги трансформатор ўрнатилиши билан ташвишларимиз барҳам топди. Бу йилги қиш мавсумидан хавотир олмасак ҳам бўлаверади энди.

Ҳамюртларимиз кўз ўнгида юзага келаётган бу каби ижобий ўзгаришлар уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, бугунги кунидан рози бўлиб яшашларига сабаб бўлмоқда.

# Муқобил энергия – тежамкорлик ва барқарорлик мезони

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сир эмаски, бугун мамлакатда ишлаб чиқариладиган энергиянинг деярли ярми турар жойлар томонидан истеъмол қилинади. Шунга мос равишда, уй-жой секторида энергия ресурсларига тушаётган юкламани юмшатиш, муқобил чоралар кўришни тақозо этади. Таъкидлаш лозимки, ёқилғи-энергетика тармоғининг мавжуд қувватлари, аҳолининг энергия ресурсларига нисбатан ортиб бораётган кунлик талаб-эҳтиёжни тўлиқ даражада таъминлай олмайди.**

Масалан, сўнгги беш йилда Қашқадарё вилоятида хонадонлар сони 160 мингтага кўпайган, корхоналар сони эса 29 мингдан 42 мингтага етган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, жорий йилда жами 53,4 МВт қувватли қуёш панелларини ўрнатиш белгиланган бўлиб, амалда бугунги кунга қадар 12,8 МВтли қуёш панеллари ўрнатилди. Шунингдек, ўрнатилиши лозим бўлган 78 минг литр ҳажмдаги гелиоколлекторлардан ҳозирга қадар 8,1 минг литри ўрнатилди. Албатта, бу қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳам иқтисодиётимиз барқарор ривожланишига, ҳам халқимизга кафолатли ва узлуксиз газ ҳамда электр энергияси етказиб беришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда уй-жойлар ва ижтимоий соҳа обектларида энергия тежовчи воситалардан кенг фойдаланилмоқда. Энергия тежамкор биноларнинг оддий уйлардан фарқи, улар электр ва иссиқлик энергияси ташувчиларига сарфланадиган харажатларни сезиларли даражада камайтиради. Бундай биноларни қуришда қишда иссиқлик энергиясидан камроқ фойдаланиб, уйда иссиқликни кўпроқ сақлаш имконини берадиган, ёзда эса уйни совутишга электр энергиясини кўп сарфламасдан салқинликни таъминлайдиган энергиятежамкор қурилиш материаллари ва технологиялардан фойдаланилади. Шунингдек, қуёш энергияси манбаларидан, масалан, фото-электр станциялари ва қуёшда ишлайдиган сув иситгичлардан фойдаланиш ҳам анъанавий энергия манбалари истеъмолини қисқартиришга сезиларли ҳисса қўшади.

Куз-қиш давридаги энергия сарфини камайтириш орқали таъминотни барқарорлаштириш мақсадида, мамлакатимизда жисмоний шахсларга республикада ишлаб чиқарилган қуёш ва шамол электр станцияси ҳамда қуёш сув иситиш қурилмаларини 3 йил мобайнида фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш имконияти яратилган. Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг қийматини тўлиқ тўлаган ҳолда уларни харид қилган ва ўрнатган истеъмолчиларга харид харажатларининг бир қисми компенсация қилинади. Истеъмолчилар қуёш ва шамол электр станцияси ҳамда қуёш сув иситиш қурилмаларини тўғридан-тўғри маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар, етказиб бериш, ўрнатиш ва ишга тушириш хизматларини кўрсатувчи корхоналар, маҳаллий чакана савдо объектларидан, шу жумладан, электрон тижорат воситалари орқали сотиб олинганда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади ёки якуний чакана нархдан компенсация миқдори чегириб ташланади.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари хариди учун кам фоизли кредитлар ажратилиши, уларни ўрнатганларга муайян солиқ имтиёзлари ҳам берилиши назарда тутилган. Бунда жисмоний ва юридик шахслар ўз эҳтиёжлари учун ўрнатган қуёш, шамол ва биогаз электр станцияларида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг эҳтиёждан ортиқчасини "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ ва давлат томонидан электр энергиясини харид қилувчи функцияси берилган орган кафолатланган тарзда харид қилади.

Албатта, бозор иқтисодиёти тақозоси билан иссиқлик энергияси ва электр энергиясининг тарифлари ошиб бораверади, бу аниқ. Шу боис, замон талаби асосидаги яратилаётган бу имкониятлар аҳолига муқобил энергия манбаси асосида электр энергияни ўз эҳтиёжидан ортганини сотиб, даромад олишига ва шу қаторда, электр энергияси таъминоти барқарорлигини оширишга ҳамда атроф-муҳит мусаффолигини асрашга ҳисса қўшишга имкон яратади.


“ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ЭКСПЕРТИЗАСИ” ДУК
Азиз ва жонажон халқимизни
9 май –
Хотира ва қадрлаш куни
муносабати билан самимий қутлаймиз.
Тинчлигимиз абадий бўлиб, ҳаётингиз қувончу шодликка тўлсин!
AZIZ JONLARINI TINCHLIK VA OZODLIK UCHUN FIDO ETGAN QAHRAMON YURTDOSHLARIMIZNI ONA VATAN HECH QACHON UNUTMAYDI!

# 9 МАЙ – ХОТИРА ВА

## 103 ёшли Пирназар бобо

**Ҳилола ИСМАТОВА,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Умримизнинг ҳар лаҳзаси тарихга айланади. Лекин шундай инсонлар борки, уларнинг босиб ўтган йўли бутун бир халқ, миллат келажаги учун хизмат қилади. Агар гап Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳақида кетса, улар ҳақида ҳар қанча сўзлаб, фахрлансак арзийди. Зеро, улар бугунги дориломон кунларимиз ва тинчлигимизни таъминлашга бебаҳо ҳисса қўшган кишилардир.**



Бугун ўзининг табаррук 103 ёшни қаршилаётган карманалик Пирназар бобо Турдиевнинг айни ёшлик даври уруш йилларига тўғри келган. Пиру бадавлат отахон ўша даврдаги очарчилик, йўқчилик ва оғир меҳнат шароитларини кўзида ёш билан эслайди. Мустақиллик туфайли ҳар йили 9 май – Хотира ва қадрлаш куни кўп қатори Пирназар бобо ҳам Кармана тумани марказида жойлашган Хотира майдонига бориб, қуролдош дўстлари номи битилган ёдгорликларни кўздан кечиради, уларни ёд этади. Байрам арафаси ўзи истиқомат қилаётган маҳалла яқинидаги мактабга бориб, уруш халқимиз қалбида оғир жароҳат қолдиргани, ёш авлодга давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан фойдаланиб, яхши билим олишини таъкидлайди.

Ўз навбатида, байрам арафасида бобонинг уйига йўқлаб борувчи ўқувчилар, маънавият, зиё маскани ва кенг жамоатчилик вакилларининг қадами узилмайди. Улар юз ёш билан юзлашган, ўтмишнинг кўплаб ҳодисаларига гувоҳ бўлган пиру бадавлат инсоннинг дуосини олишга ошиқишади. Аҳамиятлиси, умр бўйи ишлашни канда қилмаган бобо ҳамон томорқасида меҳнат қилиб, турли мевали кўчатлари ва экинлар экиш билан шуғулланиб, кексалик гаштини сурмоқда.

Кексаларни эъзозлаш, халқ тинчлиги йўлида курашган уруш фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш – миллий қадриятимиздир. Шу сабабли, улар ҳамиша эл ардоғида, давлатимиз ҳимоясида.

## Ўзбекёпдан Берлингача

### Хоразм вилояти, Қўшкўпир туманидаги ўзбекёплик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Вафо ота Искандаров ҳикояси

**Мактабда ўқиётган кунларимнинг бирида ўқитувчимиз бир гап топиб келди. "Болалар, уруш бошланибди!". Юқори синф ўқувчиси бўлсакда "Бу қандай уруш, ким бошлабди, энди нима бўлади?" деган саволларга жавоб олиш учун ўқитувчимизга тикилдик. У бизга ҳеч нима демай, кўзида ёш, йиғлаганича хонадан чиқиб кетди. Орада мактаблар ёпилди. Ҳар куни радиодан ёки катталардан урушдаги вазият ҳақида хабардор бўлиб турардик.**

Мен 1925 йилда туғилганман. Ўшанда 16 ёшда эдим. Ўқитувчимиз ҳам, қишлоқдаги чақирув ёшига тўлган эркаклар ҳам урушга жўнашди. Уруш шиддат билан давом этиб, қақшатқич тус олмоқда эди. Бир йил ўтар-ўтмас қишлоғимиз ҳувуллаб қолди. Ҳамқишлоқларимиздан қора хатлар кела бошлади. Қора хат келган хонадонда қиёмат қойим бўлар, баъзилар бечора почтачини "шумқадам" деб дўппослашарди. У бир амаллаб қочиб қутиларди.

* * *

Уйдагилар мендан хавотирда.

– Уруш тез тугасин. Менинг Вапожоним урушга кетмасин, – дерди онам ҳар гапида. – Ҳа, ҳа, сенинг чақириқ вақтинг келгунча, уруш тугайди болам, – дерди онам.

Афсуски, онамнинг айтгани бўлмади. Уруш уч йил ўтсаямки тугамади. Унгача мен 18 ёшга тўлдим ва урушга кетадиган бўлдим. Урушга кетаётганлар ичида энг кичиги мен эдим. Қўлимга милтиқ беришди. Елкамга илсам, қўндоғи ерда судралиб юрарди. Не қиламиз, бир бошга бир ўлим деб, жангга кирдим.

Бизни Амударё орқали пароходда Орол денгизи орқали Россияга олиб ўтишди. 1943 йил уруш хроникасидан маълумки, фронтда туб бурилиш бўлаётган йиллар эди. Собиқ совет давлати немислар ишғол қилган ерларини қақшатқич жанглар билан қайтариб олиб, табора олға қадам ташлаётган даврларга тўғри келарди. Бизни яхшилаб тайёргарликдан ўтказишгандан кейин, фронтга жўнатишади.



Бир куни Украина шаҳарларини немислардан тозалаш пайтида жанг қаттиқ бўлди. Бизнинг взвод қуршовга тушиб қолди. Ёриб ўтишнинг сира иложи йўқ. Ёрдамчи куч ҳали-бери етиб келадиган эмас. Ўқ-доримиз ҳам тугаб бормоқда. Энди мадад фақат Аллоҳдан эди. Ё ўлиб кетишимиз керак ё қандайдир бир имкон топиб тирик қолиш лозим. Жанг қилиб чекиниб борар эканмиз, ўрмонда – дарахтларнинг остида катта ертўлага дуч келдик. Немисларнинг қурол-яроғ омбори экан. Қуролларнинг турли хили шу ерда, ўқ-дори дегани сероб. Немислар қаровсиз қолган омборни советлар қўлига тушиб қолишидан хавфсирашган экан. Биз қайтадан шайланиб, немисларга қарши ўзларининг қуроллари билан қақшатқич зарба бера бошладик. Немис аскарлари тутдай тўкилиб, бизникилар учун имкон яратилди ва қуршовни ёриб ўтдик. Бир соатлик жангдан кейин катта бўлинмага қўшилдик. Шундай қилиб омон қолдик.

Урушда бундай хатарли ҳолатлар жуда кўп бўлган. Бир сафар взводимиз жангга кирди. Немислар тиш-тирноғигача қуроллаган. Тинмай ўқ ёғдиришмоқда. Шу пайт ёнгинамизда снаряд портлади. Мен тупроқ остида қолиб, ҳушсиз ётар эдим. Бир пайт ўзимга келиб, кўзимни очдим. Қулоғим том битган, кўзимни олди қоронғи. Пайпаслаб автоматимни топиб ўрнимдан турдим. Худога шукр, тирикман, яраланмабман, аммо қуролдош дўстимнинг аҳволи оғир. Инграганча мени имлаб чақирарди. Ёрдамга шошилдим. Ўқ ёмғири остида уни судраб бехавотирроқ жойга олиб ўтдим. Елкамга опичиб, узоқ йўл босиб санчастга олиб бориб ҳамшираларга топширдим. Ғалаба куни дўстимни Берлинда учратдим. Даволаниб, тузалиб кетган экан. Мени қучоқлаб осмонга ирғитарди. "Менинг халоскорим дерди" қувониб.

Шундай қилиб, Ўзбекёпдан-Берлингача бўлган масофани босиб ўтиб, 1945 йили 20 ёшимда ғалаба билан қишлоғимга кириб келдим.

* * *

Қишлоққа қайтгач уйландим. Бирин-кетин фарзандларим дунёга келди. Оила боқиш, рўзғор тебратиш керак эди. Аммо ҳали тузукроқ касб-корим йўқ. Уруш кўриб келган бўлсамда, эндигина 20 ёшман. Уйдагиларнинг маслаҳати билан экскаваторчиликка ўқидим. Шу касбда то нафақага чиққунча ишладим. Хоразмнинг қанча ариғу зовурларини қазидим. Далаларга оби ҳаёт равон юриши учун ҳисса қўшдим. Ҳар бир ариқ ёки зовурни тозалаб бўлгач, бригадиримиз мени "Баракалла, сувдек сероб бўлгин" деб дуо қиларди. Кам бўлмадим. Фарзандларим олий маълумотли, эл-юрт корига ярайдиган йигит ва қизлар бўлиб етишди. Етти нафар фарзандимдан 50 дан зиёд невара, 70 дан ошиқ чевара-эвара кўрдим. Бу дунёда мендан бахтли одам йўқ.

Бу йил 98 ёшга киряпман. Шукр, шундай дориламон кунларни кўрдим. Мендан кўпинча "Узоқ умр кўришингизни сири нимада?" деб сўрашса, "Аҳилликда, ҳамжиҳатликда, фарзандларимнинг ҳурмат-эътиборида" деб жавоб бераман. Раҳматли турмуш ўртоғим Солияжон билан уларни ўқитдик, вояга етказдик, тўйларини кўрдик. Оилада ҳамжиҳатлик бўлса, бир-біровга ҳурмат эътибор бўлса, соғлом турмуш тарзига амал қилинса, узоқ яшаш мумкин. Ўзим ҳам доимо ҳаракатдаман. Эрталаб сайрга чиқаман, қуёш чиқишини томоша қиламан. Умр бўйи ҳалол яшадим. Яхши инсонлар билан дўст бўлдим, бировга ёмонлик қилмадим. Ҳаётим давомида отам айтган ўгитга амал қилиб, кам бўлмадим. Раҳматли доим айтгувчи эди: "Сени тош билан урганни, сен ош билан сийла!". Бугунгидай дориломон кунларни кўрдик, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Буни қадрига албатта, етишимиз ва шукр қилишимиз керак.

**Ҳикояни журналист Болтабой МАТҚУРБОНОВ ёзиб олди.**

## Тарихнинг тирик тимсоли

**Зиё СИРОЖ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Баъзан, атрофимиздаги ҳодиса-воқеаларни кузатар эканман: "Ношукрлик қилмаяпмизмикин?", деб ўйлаб қоламан. Бир-биримизга бўлган меҳр-оқибат, касбимизга, ишимизга, ризқимизга хиёнат, қон-қардошу жондошларимизга садоқат бобидаги салбий хатти-ҳаракатларимиз шундай фикрлашимга сабаб бўлади.**

– Инсон ҳамма нарсага шукр қилиш керак, – деди биз билан суҳбатда Андижон вилоятининг Марҳамат туманида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Иминжон ота Темиров. – Шукр қилсангиз, ҳаётингиз тўкис, умрингиз узоқ, топганингизда барака бўлади. Ношукрлик оёғингизни ботқоқлик сари тортаверади.

Дарвоқе, 98 ёшни қаршилаган Иминжон ота уруш кўрган замондошларимиздан. Фронт ортида ҳам, фронтда ҳам тинчлик учун курашган. Очарчилик замонини, йўқчиликни, ҳаловатсиз ўтган кун-у тунларнинг гувоҳи бўлгани боис осойишталикда отаётган ҳар бир тонг учун шукрона келтиради. Ортда қолган кунлар ёди билан эмас, балки, эртанги кун умиди билан яшашни тавсия этади. Буни ўз ҳаёти давомида амалда синаб келмоқда. Оддий мисол, куни кеча бўлиб ўтган Референдумда ҳам фаол иштирок этиб, келажакка бўлган масъулиятини ифода этди. Тумандаги 563-участкада отахонни учратиб, жисмонан бардам-бақувватлигидан, ақлан соғлом эканлигидан қувондик.

– Замонамиздан айланай, – деди Иминжон ота суҳбатда. – Қайси кўчага қараманг, қурилишни кўрасиз. Йўлларга асфальт босиб, электр симларини янгилаётганларни кўриб, шу кунларга ҳам етиб келганимиздан шодланаман. Эҳеее, эсласам у кунларни қандай яшаб ўтдик экан-а, дейман. Урушнинг номи ўчсин... Бир бурда нон топа олмай, далада бошоқ терганимиз, очликдан силламиз қурисада, фронт учун меҳнат қилганимиз кечагидек эсимда. Кўчаларимиз тизза баравар лой бўлса ҳам, хонадонимизда нурсиз шағам ёниб турса ҳам, ариқдаги сувни ичсак ҳам майли, тинчликда яшасак бўлди, дер эдик. Мана, йиллар ўтиб, жаннатдек чиройли даврларни кўряпмиз. Кўчаларимиз тунда ҳам кундузгидек чароғон, йўлларимиз равон, ичимлик сувини уйимизнинг ичигача олиб кириб беришди. Буларнинг барчаси тинчлигимиз, осойишталигимиз мевасидир. Унинг қадрига етишимиз, ардоқлашимиз керак.

Отахон билан йўл-йўлакай суҳбат чоғида юртимизда қурилиш соҳасида бўлаётган ишларга муносабати билан қизиқдик.

– Ўзидан ортинган одам қурилиш қилади, – деди у маънодор нигоҳини олисларга тикар экан. – Қорни тўқ, усти бут инсонларгина қўлига ғишт олиб, бино кўтаради. Давлатимиз ҳам худди шунақа. Ўзидан ошиниб бинолар қураётган экан, кўз тегмасин! Қад ростлаётган иморатлар халқимизнинг яхши кунларига асқатсин.



Отахон билан хайрлашар эканман, тарихнинг тирик тимсоли, қадриятимизнинг жонли мероси бўлмиш уруш қатнашчиларининг ҳар бир дақиқаси биз учун тенгсиз дамларни инъом этишини ҳис этдим. Уларни асрашимиз, қадрлашимиз даркор. Зеро, тинчлик-осойишталикда отаётган ҳар бир тонгимизда, режадаги ишларимизни бажаришимизда катта имконият эшикларини очиб бераётган кунимизда, минг бир орзу-ниятлар ила оромга чўмган тунимизда уларнинг ҳаққи бор. Улардан миннатдор бўлмоқ, ҳурмат бажо айламоқ биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир...

## Қаҳрамонлар ёд этилди

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Пойтахтимиздаги Ғалаба боғида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилганларни эъзозлаш – Ўзбекистон Республикаси ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири" мавзусида семинар бўлиб ўтди.**







Унда сенаторлар, қўмита ҳузуридаги экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Божхона қўмитаси, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати масъул раҳбар ходимлари, Олий ҳарбий таълим муассасалари, Божхона институти, Жамоат хавфсизлиги университети, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги академиялари курсантлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Президент Ш. Мирзиёев ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганиш бўйича том маънода янги давр бошланди. Хусусан, 2020 йилга қадар уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда иштирок этган, деб ҳисобланар эди. Жаҳон архивлари ўрганилиб, янги топилган маълумотлар таҳлил қилинганда эса Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани маълум бўлди. Бундан ташқари, илгари 396 минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб айтилган бўлса, аслида бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган, 158 мингдан кўпроғи бедарак йўқолган.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойи, ота-онаси ва қариндошларидан ажралган, фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган қарийб 1 млн 500 минг кишини ўз яқинларидек кутиб олганини алоҳида таъкидлашди. Бундан ташқари, 2023 йил 2 майда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган "9 май – Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида кўзда тутилган масалаларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратилиб, уруш йиллари бедарак йўқолган 158 мингдан ортиқ кишиларни қидириш, уларнинг тақдирига аниқлик киритиш бўйича эришилган натижалар ҳақида маълумот берилди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№37-38 (690-691) 2023 йил 9 май



# ҚАДРЛАШ КУНИ

## Birinchi huquqshunos o‘zbek ayoli

**Marjona MUZAFFAROVA,** Toshkent davlat yuridik universiteti talabasi

**Ayol bir qo‘li bilan beshik tebratsa, bir qo‘li bilan dunyoni tebratadi, degan hikmat bor. Yaratgan ayolga ato etgan sabr-matonat, mehr-muhabbat va bardosh bilan haqiqatdan dunyoni tebratishga qodirdir. Ana shunday ayollardan biri – Xadicha Sulaymonova sud-huquq tizimi rivoji uchun o‘zining beminnat hissasini qo‘shgan mutaxassislardan.**



Xadicha Sulaymonovaning hayot daftariga nazar tashlasak, bu insonning hayoti ilm-fanga, huquq sohasini rivojlantirishga bag‘ishlanganini ko‘rishimiz mumkin. Xalqimizning asl farzandi bo‘lgan Xadicha opa qisqa, ammo juda sermazmun va ibratli hayot kechirgan. Shuningdek, ko‘p ishlarda birinchilardan, "qaldirg‘och"lardan hisoblanadi. Yosh olimada huquqshunoslik sohasiga mehr uyg‘onishiga Marg‘ilondagi ochiq sud jarayonlari sabab bo‘lgan desak, mubolag‘a bo‘lmaydi. 1920-yillar oxirida mashhur san'atkor Nurxonning akasi mutassib dushmanlarning ta'siri ostida iste'dodli singlisini pichoqlab o‘ldiradi. Ushbu jinoyatning sudi Marg‘ilonda o‘tkaziladigan bo‘lib, sud protsessida Xadicha ham ishtirok etadi. Hayot so‘qmoqlaridan qanday yurishni endi o‘rganayotgan Xadichaning ongiga shu sud jarayoni juda qattiq ta'sir qilib, huquq, jinoyat va jazo haqidagi qarashlarini butunlay o‘zgartirib yuboradi.

Mashhur huquqshunos olima, akademik Xadicha Sulaymonova 1913-yil Turkiston o‘lkasining chekka shaharchasi, uzoq Andijon viloyatida ziyoli oilada tavallud topgan. To‘qqiz yillik rus maktabini tugatgach, huquqshunos bo‘lish orzusi yosh qizaloqni mamlakat poytaxti Toshkent shahriga yetaklaydi. O‘sha davrlarda aholining oliy ma'lumotli huquqshunoslarni tayyorlashga bo‘lgan ehtiyojidan kelib chiqib, Toshkentda ilk bor Jahon Obidova nomidagi Sovet qurilishi va huquq ilmiy-tadqiqot instituti tashkil etilgan bo‘ladi. Huqushunoslikka bo‘lgan qiziqishi Xadicha Sulaymonovaning 1935-yilda ushbu institutni peshqadam talabalaridan biri sifatida o‘qishni yakunlashiga olib keladi. O‘qishni bitirgach, tuman sudiga sudya qilib ishga yuboriladi va ko‘p vaqt o‘tmay u Oliy sud sudyaligiga tavsiya qilinadi.

3 yil o‘tgach, Xadicha Sulaymonova Moskva yuridik institutining jinoyat huquqi kafedrasi aspiranturasiga qabul qilinadi. 1945-yilda yurisprudensiya sohasida birinchi olima ayol, yuridik fanlar doktori, professor maqomlariga sazovor bo‘ladi. II jahon urushining boshlanishi sababli aspiranturadagi o‘qishi to‘xtaydi va yosh olima Toshkent davlat yuridik institutiga ishga jo‘natiladi. Mazkur institutda 2 yil yordamchi, so‘ng dotsent vazifasini bajaruvchi bo‘lib talabalarga dars berish orqali pedagogika sohasiga qadam qo‘yadi. Shundan so‘ng, 45-yilda o‘zining uzoq muddatli izlanishlari natijasida mehnatining mevasi hosil bera boshlaydi, dissertatsiyani muvaffaqiyatli himoya qiladi va huquqshunoslik sohasida ilmiy darajaga ega bo‘lgan birinchi o‘zbek ayoli sifatida tarixga muhrlanadi.

Shu yili Toshkent yuridik instituti Jinoyat huquqi kafedrasi rahbari etib tayinlanadi. Xadicha Sulaymonova bu bilan to‘xtab qolmay, yana o‘z orzulariga erishish maqsadida doktoranturaga o‘qishga kirib, doktorlik dissertatsiyasini yoqlaydi. Ko‘rinib turibdiki, insonda o‘qish uchun va Vatanini rivojlantirish uchun niyat bo‘lsa va ushbu maqsadlarni amalga oshirish uchun chindan ham harakat qilsa, albatta, bu inson o‘z maqsadlariga erishadi, bunga esa zamonning, yoshning yoki boshqa bir obyektiv sabablar to‘sqinlik qila olmaydi.

Xadicha Sulaymonova nafaqat zukko olima, balki tug‘ma tashkilotchi va boshqaruvchi xislatlari bilan boshqalardan ajralib turgan. Olima 1954-yilda Toshkent yuridik institutiga direktor lavozimiga tayinlanadi va shu yili "O‘zbekiston SSRda xizmat ko‘rsatgan fan arbobi" faxriy unvoniga munosib deb topiladi. 1956-1958-yillarda O‘zbekiston SSR Adliya vaziri, O‘zbekiston SSR FA (Fanlar Akademiyasi) haqiqiy a'zosi, akademik, O‘zSSR Ministrlar soveti huzuridagi yuridik komissiya raisi va hayotining so‘nggi yillarida esa O‘zSSR Oliy sudi raisi etib tayinlanadi. Mazkur lavozimlarda ishlagan vaqtlarida ko‘p mashhur insonlar tomonidan e'tirof etiladi.

Chuqur bilim sohibasi, iste'dodli olima hayotini yurtimizda ko‘p yaxshi va savobli ishlarni amalga oshirishga hamda huquqshunoslik fani rivojiga hissa qo‘shishga, bor bilimini munosib shogirdlarni tarbiyalashga bag‘ishladi. Albatta, mashaqqatli harakatlar o‘z egasining maqsadlarini amalga oshirishga yordam bermay qolmadi. Xadicha Sulaymonovaning tinimsiz mehnatlari, izlanishlari va huquqshunoslik sohasining rivojlanishi uchun chekkan mashaqqatlari meva bera boshladi, hududlarda qonuniylik ilgarigi holatga nisbatan ancha ta'minlandi, bir qancha huquqqa oid kitoblar chop etilib, shu sohada ta'lim olayotgan talabalarga ancha yengillik yaratildi va bu kelajak uchun poydevor bo‘lib xizmat qildi.

Markaziy Osiyoda birinchi bo‘lgan Toshkent sud ekspertiza ilmiy-tadqiqot institutining tashkil topishi ham aynan shu insonning nomi bilan bog‘liqdir. 1958-yilda ochilgan mazkur institut bugungi kunda Xadicha Sulaymonova nomi bilan, O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi X. Sulaymonova nomidagi Respublika sud ekspertizasi markazi deb atalgan. 2021-yilga kelib Markazning 70 yilligi nishonlandi va muassasa direktori Akram Xalilovning ta'kidlashicha, bugungi kunda Markazda amalga oshiriladigan sud ekspertlik turlari 50 taga, mutaxassisliklar esa 69 taga yetgan. Shuningdek, institut binosida Xadicha Sulaymonova muzeyi ham ochilgan bo‘lib, olimaning hayoti va faoliyatiga oid ma'lumotlarni o‘zgacha zavq bilan o‘rganish imkonini beradi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, akademik Xadicha Sulaymonova yurtimiz rivoji va huquq sohasi uchun munosib darajada fidoyilarcha xizmat qildi. Bu insonning sharofati bilan sovet davri bo‘lishiga qaramay, milliy huquqimiz bir pog‘onaga yuksaldi, qatag‘on qurbonlarini oqlashda o‘z hissasini qo‘shdi hamda bir qator xalqaro anjumanlarda ishtirok etib, yurtimizni tanitdi.

## Эъзоз ва эҳтиромдан мунаввар диллар

**Фарғона вилоятида 19 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси умргузаронлик қилаётган бўлиб, уларга эъзоз ва эҳтиром кўрсатилмоқда.**



Президентимизнинг жорий йил 2 майдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони асосида уларга пул мукофотлари, байрам совғалари топширилмоқда.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари Тошлоқ туманида яшовчи Одилжон ота Зокиров, Файзулло ота Эминов, Олтиариқ туманида яшовчи Тўланбой ота Шокиров, Қаҳҳоржон ота Мағрипов хонадонларида бўлиб, отахонларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини байрам билан табриклади. Давлатимиз раҳбарининг табригини ўқиб эшиттирди, 18 миллион сўмдан пул мукофотларини топширди.

Тошлоқнинг Шодлик маҳалласида яшовчи Одилжон ота Зокиров ҳозирда 100 ёшни қаршилаган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида артиллерия бўлинмаси сафида ҳозирги Украина тупроқларида фашизмга қарши мардонавор жанг қилган. Урушдан қайтгач узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилган, Найманбўстонда чўл ерларни ўзлаштириб пахта етиштирган. У раҳбарлик қилган бригада кўп йиллар давомида вилоятда энг юқори ҳосилдорликка эришиб келган. Турмуш ўртоғи билан 4 ўғил ва 6 қизни вояга етказиб, уларни жамиятга манфаат келтирадиган инсон сифатида тарбиялади. Ҳозирда 50 нафар набира, 100 нафардан зиёд чевара ва эвараларнинг суюкли бобоси бўлиб доим ардоқда.

Файзулло ота Эминов бу йил 98 баҳорни қаршилади. У 17 ёшида минглаб ўзбекистонликлар қатори қўлига қурол олиб, фашизмга қарши курашди. Урушдан сўнг 50 йилдан зиёд бригадирлик қилди, турмуш ўртоғи Мелихон ая билан 6 ўғил, 3 қизни тарбиялади. Ҳозирда отахон 100 дан зиёд набираю, чевара-эваралар қуршовида бугунги тинч-осойишта ва фаровон ўтаётган ҳар бир кун учун шукроналар айтиб яшамоқда.

Олтиариқ тумани Оқбўйра қишлоғида яшовчи 98 ёшли Тўланбой ота Шокиров ҳам бошқа тенгдошлари қатори иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизмга қарши жангда мардонавор жанг қилган. Япон урушида ҳам иштирок этган. Тинчлик даврида ички ишлар тизимида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрий отахонга Президент совғалари ва табриги билан бирга Ички ишлар вазирлигининг алоҳида пул мукофоти ҳам берилди.

Ҳозирда 97 ёшда бўлган Қаҳҳоржон ота Мағрипов 1943 йили урушга йўл олган. Белоруссия фронтида жанг қилиб, Тула, Минск, Брест шаҳарларини, Венгрияни фашистлардан озод қилишда иштирок этган. Жанглардан бирида немис танкининг ичига тушиб олиб, 20 дан ортиқ душман танкларини йўқ қилган ва мана шу жасорати учун "Қизил юлдуз" ордени билан тақдирланган. Урушдан қайтгач, ўқитувчи ва ҳисобчи бўлиб самарали меҳнат қилган. Турмуш ўртоғи билан 5 ўғил, 1 қизни тарбиялаб вояга етказган. Бугун 80 га яқин набираю, эвара-чеваралари ардоғида, деб ёзади ЎзА мухбири Маъсуджон Сулаймонов.

"Юртимиз, замонамиз ҳамиша тинч, Президентимиз омон бўлсинлар. Бизга кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик ва эътибор учун Давлатимиз раҳбарига минг раҳмат", – дейишди дуога қўл очган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари.

## Яхши инсонлар ҳамиша ардоқда

**Азиз МАШРАБОВ,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Мамлакатимизда ҳар йили 9 май – Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Бунда ҳур ва озод кунларга етиб келишимиз учун фидойилик кўрсатган, халқ осойишталиги йўлида хизмат қилган азиз инсонлар ёди хотирланса, узоқ йил эл фаровонлиги йўлида садоқат билан меҳнат қилган, номи ҳамиша дилларда эзгулик тимсоли бўлиб муҳрланган, айни дамда кексалик гаштини сураётган юртдошларимиз зиёрат қилинади.**




Қумқўрғонлик Бобирмирзо Искандаров умрини коммунал соҳаси ривожига бағишлаган инсонлардан. Дастлаб, Шўрчи тумани пахта тозалаш заводида 3-даражали слесарь сифатида иш фаолиятини бошлаган бўлса, кейинчалик ҳарбий хизматда йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, Қумқўрғон туманидаги турли ташкилотларда меҳнат қилди.

– Фаолиятим давомида иш танламадим, эрта ё кеч демадим, менга юклатилган вазифани ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилдим, – деди отахон. – Бу ишимни яхши кўрганимдан, қизиққанимдан. Бизнинг ишда беҳафсала бўлиш ярамайди. Қўл учида қилинган ҳар бир иш бахтсиз ҳодисага олиб келиши мумкин. Доимий равшида аҳоли билан ишлаймиз, уларни рози қилиш асосий мақсадимиз. Шу боис, кўп қаватли уй-жойларга коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида масъулиятни, фидойиликни, сабр-тоқат, асосийси, касбга меҳрни талаб этади. Бунга ўзим қаттиқ амал қилиб, ёш ҳамкасблар ва шогирдларимга ҳам тушунтиришдан эринмаганман.

Бобирмирзо Искандаров 2017 йилдан пенсияга чиққунига қадар Қумқўрғон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси раҳбари вазифасида ишлаган. Фаолияти давомида иш тажрибаси билан кўпчиликка ўрнак, жамоатчилик ишларида эса ҳамиша фаол бўлди.

– Бобирмирзо ака билан узоқ йил бирга ишладим, – деди бошқарманинг ходимлар бўлими бошлиғи Ойбек Бозоров. – Фаолиятимиз давомидаги синовли ва муваффақиятли дамларни бирга енгиб ўтдик. У кишидаги сабр ва матонат, касбга садоқат, фидойиликни жамоадошларимиз ҳурмат қилади, қадрлайди. Нафақага чиққан бўлсада, ҳамон яхши мутахассис, тажрибали ходим, самимий инсон сифатида ёшларга ўрнак бўлиб келмоқда.

Яхши сўз – яхшилик, бировнинг дилига озор бермаслик – яхшилик, кимнингдир корига фақат моддий эмас, маънан яраш ҳам – яхшилик. Ўз вақтида айтилган танқид ҳам энг катта яхшилик, аслида. Айни дам муборак 61 ёшни қаршилаган, оиласи, фарзандлари бағрида нафақа гаштини сураётган қаҳрамонимизнинг яхши фазилатлари кўп. Бундай эзгуликлар эса Бобирмирзо Искандаровнинг ҳамкасблари, яқинлари қалбида бир умрга муҳрланган.

## Миллий гвардия ходимларига байрам совғаси





**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Нукус шаҳрининг "Гоне қалъа" МФЙ ҳудудида Миллий гвардия ходимлари учун кўп қаватли турор жой биноси қурилиб фойдаланишга топширилди.**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратилган 7 млрд сўм маблағ эвазига тез фурсатда 5 қаватли 30 квартирали иморат қад кўтарди. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармасининг 30 нафар ходимига янги уйлар калити топширилди.

Янги уйда яшаш учун барча имкониятлар яратилган. Кўчиб келган оилалар бу ердаги шароитлардан жуда мамнун.

## Асл инсонлар номи унутилмайди

**Ҳамза ШУКУРОВ,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ҳаётда ҳар бир ҳунар эгасининг ўз ўрни бор. Биров ишлаб чиқаришда, кимдир саноат ёки қурилиш соҳасида ишлаб, юрт фаровонлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади.**

Пастдарғом туманида 1949 йилда туғилган Абдували Салимов ёшлигидан бунёдкорлик соҳасига ҳаётини бағишлаган инсонлардан. Мактаб таълимидан сўнг Самарқанддаги гидромелиорация техникумига ўқишга киради. Ўқув даргоҳида устозлардан билим ва кўникмаларни пухта ўзлаштириб, фаолиятини оддий ишчиликдан бошлайди. Кўп ўтмай ишга чанқоқ бўлган бу йигитни "Самарқандтрансстрой"га техник-геодезист вазифасига ишга таклиф этишди. Бу жой унинг учун танлаган касби бўйича тажриба мактаби бўлди.

Кейинчалик у Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида (ҳозирги университет) сиртдан таҳсилни давом эттириб, қишлоқ хўжалик қурилиши йўналишида инженер-қурувчи ихтисослиги бўйича олий маълумотга эга бўлади. "Главстройиндустрия" тасаррууфидаги Самарқанд қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатида уста, цех бошлиғи ва бош технолог вазифаларида меҳнат қилади. 1985-1990 йилларда 5-трестга қарашли қурилиш материаллари комбинатининг бетон қоришмаси участкаси бошлиғи бўлиб ишлайди.

Таъкидлаш керакки, бир даврда қурилиш корхоналари фаолияти тўхтаб қолганда Абдували Салимов ўзи етакчилик қилаётган "Темир-бетон конструкциялари" комбинатини сақлаб қолишнинг уддасидан чиқди. Аста-секин ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этишни йўлга қўйди. Касбига бўлган садоқати, меҳнатсеварлиги, ишнинг кўзини билиши туфайли "Темир-бетон конструкциялари комбинати" МЧЖ республикадаги турдош корхоналар ўртасида илғорлардан бирига айланди. У темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, модернизация қилиш, ишчи-ходимларнинг билими ва малакасини ошириш борасида бой тажрибага эга бўлган етук мутахассис даражасига кўтарилди.

А. Салимов айниқса, бинокорлик соҳасида фидойи ва жонкуярлиги билан эътиборга тушиб, самарали меҳнатлари муносиб баҳоланган. Кўксини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги ва 25 йиллиги эсдалик нишонлари безади. Оқибатли фарзандлари ота вафотидан сўнг у бошлаган ишни ташлаб қўйишмади, ҳақиқий издошларига айланишди. Нодиржон яхши касб эгаси, Феруза қўли енгил ҳамшира сифатида элга хизмат қила бошлади. Сундур эса ота касбини эгаллади, унинг ўғли Савлат ҳам институтни тугатиб, комбинатда фаолият кўрсатмоқда. Бошқа фарзандлари ҳам малакали мутахассис сифатида эл корига ярамоқда.

Абдували Салимов яшаган ҳудуд ҳозир унинг номи билан аталяпти. Бу эса атрофдаги 9 та маҳалла аҳли ўртасида тажрибали қурувчининг ҳурмат-эътибори юқори бўлганидан далолатдир.


«O‘ZSHAHARSOZLIK LITI»
давлат унитар корхонаси жамоаси
Меҳр-оқибат ва
аҳиллик туйғуларини
мужассам этувчи эзгу
байрам –
Хотира ва
қадрлаш куни
билан юртимиз аҳлини
муборакбод этамиз!
Соғлик, омонлик, тинчлик
ҳамиша ҳамроҳингиз
бўлсин.


ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ ВА
УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА
ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
Барча юртдошларимизни
9 май – Хотира ва қадрлаш куни
муносабати билан муборакбод этамиз.
Юртимиз тинч, ҳаётимиз қувончли кунларга бой бўлсин.
Эзгу ишларингиз ижобат бўлиб, қалбингиз
доимо қувончга тўлсин!


СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ ВА
УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА
ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
Тинч ва фаровон юртгагина байрамлар ярашади.
Жонажон диёримиз аҳлини
Хотира ва қадрлаш куни
билан муборакбод этамиз.
Фаолиятингизда муваффақият ёр бўлсин,
хонадонингиз файзу баракага тўлсин!


«QISHLOQQURILISHLOYIHA» МЧЖ
бош лойиҳа-қидирув институти жамоаси
Хотира ва қадрлаш куни
билан барча соҳа вакилларини
қутлаймиз.
Касбингизга ривож,
ишингизга улкан зафарлар
ёр бўлсин!
SEN DOIM QALBIMIZDASAN JIGARIM


САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
ХЎЖАЛИГИ БОШ БОШҚАРМАСИ
Тонглари фараҳбахш, тунлари ойдин
юртда яшаётган жонажон халқимизни
9 май – Хотира ва қадрлаш куни
билан чин кўнгилдан табриклаймиз.
Юртимиз тинч, осмонимиз доимо
мусаффо бўлаверсин!


9 МАЙ
ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ
БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШ ВА
УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА
ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ



Бугунги кунимиз учун жон куйдирган аждодларга муносиб авлод бўлиб, юртимиз фаровонлигига ҳисса қўшиш барча барчангизга насиб этсин.

**9 май – Хотира ва қадрлаш куни**

барчангизга муборак бўлсин!

**“ЎЗГАШКЛИТИ” ДУК**

# Турсун бобонинг ўриги

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни яқинлашса, болалигимдаги бир воқеа ёдимга тушаверади. Ўшанда 4-синфда ўқирдим. 9 май арафасида мактабдаги ҳар бир синфда хотира дарслари ўтилар, иккинчи жаҳон уруши, у билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ҳақида гапириларди. Биз ўқувчиларга айниқса, қишлоғимиздаги икки нафар урушга бориб келган кишилар билан бўладиган суҳбат қизиқроқ эди. Фақат киноларда кўрган ёки китобларда ўқиган воқеаларнинг гувоҳи бўлган бу икки инсоннинг жанг ҳақидаги таассуротларини жон деб тинглардик.**

Турсун бобонинг уйи катта йўл ёқасида бўлиб, кўча бўйлаб қатор ўрик дарахтлари экилган эди. Биз болалар бу кўчадан ўтишни жуда яхши кўрардик. Чунки эрта баҳорда қийғос гуллаган ўрик гулини тўкиши билан довчаси, сўнгра, ғўрасию меваси билан мактабга кетишимизда ҳам, қайтишимизда ҳам бизни сийларди. Турсун бобо эса ўрик тагидаги ёғоч ўриндиқда бизга кулиб қараб ўтирарди. Бирор марта дарахтга осилган болага “тегма” дея танбеҳ берганини биров эшитмаган. Ўрик ғарқ пишган пайти бу дарахтларнинг меваси бутун қишлоқ аҳлига етиб, ортарди.



Ўша куни мактабдан бир ўзим қайтаётгандим. Ўриндиқда хаёл суриб ўтирган бобога салом бериш учун яқинлашдим:

– Ассалому алайкум, бобожон.

– Ва алайкум ассалом, қизим.

Шу тоб кўзим ер билан битта бўлиб тўкилиб ётган сап-сариқ олтиндек ўрикларга тушди. Баъзилари бутун, баъзилари эса ерга тушгач икки паллага ажралиб қолган меваларга қараб, “Бу кимнинг иши бўлди экан?” деб турсам, бобонинг ўзи айтиб қолди:

– Шумтака болалар дарахтга чиқиб, бир-бирига ўрик отиб ўйнаганга ўхшайди. Шуларни териб, офтобга ёйиб қўясанми?

Меваларни териш баробарида кўнглимдаги саволни сўрашдан ўзимни тўхтатиб туролмадим.

– Бобо, нега ўрикларингизни ҳаммага тарқатасиз, тўкиб ташашса ҳам индамайсиз?

– Эҳ, қизим, бунинг сабаби бор аслида. Уруш пайти ўрик тугул, битта данагига ҳам зор бўлган одамлар. Бир бурда нон топиб еган куни байрам эди. Гўштли овқат ҳақидаку умуман гапирмасам ҳам бўлади. Қишдан чиқолмай, очликдан вафот этган ёшгина гўдакларни, жон сақлаш учун ёввойи ўтларнинг илдизини еб, заҳарланиб нобуд бўлган ҳамқишлоқларимни ҳамон унутолмайман. Уруш пайти неча кунлаб оч қолиб кетганмиз. Шу боис, бугун ҳеч кимдан ҳеч нарсани қизғанмайман. Омонат дунёда ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг чораси борлигини ҳар бир жангдан омон чиққанимда ҳис қилардим. Ўқ ёмғири остида ҳалок бўлган қуролдошларимнинг совуқ жасадларини тўплаган пайтим чеккан изтиробларим олдида эзилган ўриклар нима бўлибди...

Шу сўзларни айтар экан, бобо менга билинтирмай, кўзидан оққан ёшларни секингина артиб олди. Мен эса эски хотираларини уйғотиб, дилини оғритганим учун ўзимни ёзғирардим.

Ҳар йили Хотира ва Қадрлаш куни мактабимизнинг энг ҳурматли меҳмони бўладиган Турсун бобо касалликка чалиниб қолди. Шу боис, бу галги байрамда у кишининг уйига ўзимиз борадиган бўлдик. Ўша йили қиш қаттиқ келганмиди, аниқ эсимда йўқ. Аммо ҳар йили май ойида чаман бўлиб очилиб, атрофни хуш ифорга буркайдиган атиргуллардан нишона ҳам йўқ эди. “Энди нима қиламиз, биз учун жонини ҳам аямаган, жангу жадаллардан тирик қайтган Турсун бобога гул обормасак, қандай бўлади?”. Бу савол мен каби синфдаги яна 29 нафар ўқувчини ўйлантирарди.

Хаёлимга келган фикрдан қувониб кетдим. Аммо...

Дадам ҳовлимизга турли-туман гуллар ва манзарали дарахтлар экиб, парвариш қилишни ёқтиради. Аммо унинг бир одати бор: гулларни узишга рухсат бермайди. Айниқса, илк нишоналарни узган одамни аямаслиги аниқ. Лекин, на илож, дадамнинг ғазабидан кўра, ғамга ботган Турсун бобонинг шодлиги учун ҳовлимизда эндигина очилай-очилай деб турган қип-қизил атиргул ғунчасини узишга мажбур бўлдим.

Байрам зўр ўтди, айниқса, мен олиб борган атиргул бобонинг дилига хуш ёқиб, кайфиятини кўтарди. Устозим ҳам, синфдошларим ҳам хурсанд. Шу кайфиятда уйга яқинлашар эканман, атиргулни узганим учун дадамга нима деб жавоб беришни ўйлаб, қўрқувга тушдим.

Кечки пайт дадам ишдан қайтиб, биринчи галда гулларидан хабар олди. Шу пайт... Шу пайт мен куни бўйи кутган савол янграли:

– Ғунчани ким узди?

Ҳамма менга, мен эса дадамга қарадим.

– Мен.

–Ахир, нега уздинг? Уни қиш бўйи асраб-авайлаб ўстирганимдан хабаринг бор эдику?

– Турсун бобога совға қилдик... Бошқа ҳеч қаерда ҳали гул очилмаган экан. Кечиринг дада...

Дадам бирдан ҳовуридан тушди. Зинага секин чўкдида, “Турсун бобога бўлса, майли. Қанча гул бўлса ҳам арзийди” деди.

...Бугун у дарахтлардан ном-нишон ҳам қолмаган. Ўриклар кесилиб, йўл кенгайтирилиб, асфальт қилинган. Аммо ҳамон қишлоқ одамлари тилидан “Турсун бобонинг ўриги” деган ибора тушмай келади.

Хотира дегани балки шумикан?

# Тошкент вилоятида барча подстанциялар мукаммал таъмирдан чиқарилади

**Дилфуза ҲАБИБОВА,** “O`zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Маълумки, бугунги кунда истеъмолчиларни барқарор, сифатли ва хавфсиз электр энергияси билан таъминлаш тизим олдида турган долзарб ва муҳим масалалардан биридир. Шундан келиб чиқиб, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бошқарув раисининг тегишли топшириғига асосан Жамият тасарруфида бўлган барча электр ускуна ва жиҳозлар, шу жумладан, подстанциялардаги мавжуд қурилмалар кўздан кечирилиб, айни пайтда уларнинг ишончли ва мустаҳкам ишлашини таъминлаш мақсадида жойларда мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.**



Куни кеча “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Тошкент ҳудудий филиали Қуйичирчиқ туман электр таъминотига тегишли 35/10 кВли “Мингчинор” подстанциясида ташкил этилган семинар ҳам вилоят ҳудудида бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш ва тўғри ташкил этишга бағишланди.

Семинар очилишида иштирок этган “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ мутасаддилари туман ва шаҳар электр таъминоти ходимлари томонидан мазкур подстанцияда мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилишида аҳамият бериш лозим бўлган зарур жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтишди.

Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида 35/10 кВли “Мингчинор” подстанцияси орқали ҳудуддаги аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини барқарор электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 4000 кВА қувватдаги куч трансформатори янги 10000 кВА қувватли трансформаторга алмаштирилди. Шунингдек, эски русумдаги электр энергиясини тарқатиш қурилмалари ўрнига янги, замонавий К-59 русумидаги тарқатиш қурилмалари ўрнатилди. Бундан ташқари, подстанция ҳудудини ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди.

Семинар давомида, шунингдек, электр қурилмаларида модернизация ва реконструкция ишларини сифатли ташкил этишда, аввало, ходимларнинг билим савияси, тажриба ва кўникмаларини ошириш зарурлиги, бунинг учун эса тажрибали муҳандис ва энергетиклар иштирокида шу каби ўқув-семинарлар мунтазам ўтказилиши мақсадга мувофиқлиги қайд этиб ўтилди.

– Ходимларнинг меҳнат жараёнида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилиятини сақлаши учун тегишли чоралар кўриш, айни йўналишда керакли маслаҳат ва йўриқномалар бериш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан биридир, – дейди “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Мустаҳкамлик ва хавфсизлик техникаси бошқармаси бошлиғи Мурод Эгамқулов. – Бугунги семинар давомида ҳам ходимларга бу борада яна бир бор тушунча ва тавсиялар бериб ўтдик.



Тадбир сўнгида подстанцияларда ва тармоқларни техник эксплуатация қилишда электр қурилмаларнинг техник ҳолати бўйича доимий назорат олиб бориш, аниқланган камчилик ва нуқсонларни ўз муддатида бартараф этиш, тасдиқланган режалар асосида жорий ва мукаммал таъмирлаш ишларини сифатли бажариш юзасидан муҳим топшириқлар берилди. Хусусан, ҳар ой кесимида биттадан Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган подстанцияларни капитал таъмирдан чиқариш белгилаб олинди.

## *Туғилган кунингиз муборак бўлсин!*

***Май ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган***

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари **Давронжон Адилов,**

“Ташгипрогор” АЖ 2-архитектура ва қурилиш сектори гуруҳ раҳбари **Ольга Андреева,**

Андижон вилояти, Андижон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – бош архитектори **Ғайрат Муллаев,** Пахтаобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – бош архитектори **Бегзод Мамасолиев,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси Лойиҳа таклифларини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи **Ғолиб Тойиров,**

Жиззах вилояти, Арнасой тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Умид Муратов,**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси таркибидаги Архитектура режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш бўлими ҳайдовчиси **Ғолиб Шомуратов,**

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси етакчи мутахассиси **Шуҳрат Қурбанов,**

Хоразм вилояти, Хива шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Муродбек Маткаримов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманидаги “Taxtakopir Uy-Jay Xizmet” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Жадигер Жумамуротов,**

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги “Оқтепа обод хонадон” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Мавлуда Арслонова,** Нишон туманидаги “Kelajak Nuriston Boshqaruv Kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Манзура Абдураимова,**

Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги “Қадрдон маскан” БСК бош директори **Камолиддин Ҳайдаров,**

Хоразм вилояти, Урганч шаҳридаги “Хоразм газ пайвандчи ПБК” МЧЖ бош директори **Қаҳрамон Раҳимов,**

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги “Azim Uylar Servis” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Расул Толиббоев,** Шайхонтоҳур туманидаги “Про ФМ” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Акбар Юсуфжанов,** Юнусобод туманидаги “Меленум ГРУП” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Шавкат Каримов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

# "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "LOMBARD VENERA-KREDIT" МЧЖнинг 2023 йил 8 майдаги 1-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2022 йил 2 июль, 20 сентябрь ва 29 декабрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 5-мавзе, 29-уй, 2-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 5431 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,30 гр., ч.в. 2,90 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам. с деф. погн., о.в. 5,80 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр.; цепь слом части нет с деф. погн. хруп., о.в. 7,00 гр., ч.в. 7,00 гр., 585 пр. Общим весом 16,10 гр., чистым весом 14,90 гр. | 6 750 467,00 |
| 2. | 498 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн. гряз., о.в. 1,90 гр., ч.в. 1,30 гр., 585 пр. Общим весом 1,90 гр., чистым весом 1,30 гр. | 690 511,00 |
| 3. | 672 | Цепь деф. хруп., о.в. 23,10 гр., ч.в. 23,10 гр., 585 пр. Общим весом 23,10 гр., чистым весом 23,10 гр. | 10 757 686,00 |
| 4. | 688 | Цепь деф. погн., о.в. 10,02 гр., ч.в. 10,02 гр., 585 пр. Общим весом 10,02 гр., чистым весом 10,02 гр. | 4 071 082,00 |
| 5. | 861 | Кулон с деф. погн., о.в. 1,87 гр., ч.в. 1,87 гр., 585 пр. Общим весом 1,87 гр., чистым весом 1,87 гр. | 895 205,98 |
| 6. | 1009 | Кольцо с бел. кам., о.в. 1,85 гр., ч.в. 1,00 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. деф., о.в. 1,50 гр., ч.в. 1,30 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о.в. 3,40 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; кольцо с бел. зел. кам. пайка, о.в. 3,80 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; кольцо с зел. кам., о.в. 3,20 гр., ч.в. 2,80 гр., 585 пр.; кольцо с черн. бел. кам. деф., о.в. 3,60 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр.; кольцо обруч., о.в. 1,45 гр., ч.в. 1,45 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам. деф., о.в. 2,45 гр., ч.в. 1,65 гр., 585 пр.; серьги с зел. кам., о.в. 5,05 гр., ч.в. 3,30 гр., 585 пр. Общим весом 26,30 гр., чистым весом 19,60 гр. | 9 144 211,00 |
| 7. | 1216 | Кольцо с бел. зел. кам. деф., о.в. 2,70 гр., ч.в. 1,70 гр., 585 пр.; серьги с бел. зел. кам., о.в. 5,80 гр., ч.в. 3,80 гр., 585 пр. Общим весом 8,50 гр., чистым весом 5,50 гр. | 2 492 270,20 |
| 8. | 1534 | Цепь (18 к.) хрупк. деф., о.в. 3,40 гр., ч.в. 3,40 гр., 750 пр. Общим весом 3,40 гр., чистым весом 3,40 гр. | 1 748 948,58 |
| 9. | 1597 | Серьги деф., о.в. 4,50 гр., ч.в. 4,50 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам. деф., о.в. 2,90 гр., ч.в. 1,60 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам., о.в. 6,20 гр., ч.в. 3,60 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. погн., о.в. 3,00 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр.; цепь деф. хруп., о.в. 2,10 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр.; браслет хруп. деф., о.в. 0,80 гр., ч.в. 0,80 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 1,30 гр., ч.в. 0,70 гр., 585 пр.; кольцо обруч. погн., о.в. 2,00 гр., ч.в. 2,00 гр., 585пр. Общим весом 22,80 гр., чистым весом 16,80 гр. | 7 811 011,00 |
| 10. | 1628 | Кольцо с бел. зел. кам. деф. погн., о.в. 2,80 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр.; кольцо деф. погн., о.в. 3,15 гр., ч.в. 3,15 гр., 585 пр.; серьги с бел. гол. кам. деф. погн., о.в. 4,50 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; цепь хруп. слом., о.в. 1,25 гр., ч.в. 1,25 гр., 585 пр.; браслет штамп. слом. на 2 части, о.в. 5,50 гр., ч.в. 5,50 гр., 585 пр. Общим весом 17,20 гр., чистым весом 15,00 гр. | 7 030 786,00 |
| 11. | 1689 | Кольцо с деф. погн. слом., о.в. 2,37 гр., ч.в. 2,37 гр., 585 пр. Общим весом 2,37 гр., чистым весом 2,37 гр. | 1 145 011,00 |
| 12. | 1705 | Колье с бел. зел. кам. хруп., о.в. 49.70 гр., ч.в. 46.70 гр., 585 пр. Общим весом 49,70 гр., чистым весом 46,70 гр. | 20 537 011,00 |
| 13. | 1869 | Серьги с бел. кам. деф., о.в. 5,20 гр., ч.в. 4,10 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,70 гр., ч.в. 3,20 гр., 585 пр. Общим весом 8,90 гр., чистым весом 7,30 гр. | 3 038 761,00 |
| 14. | 1901 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 2,60 гр., ч.в. 1,80 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 1,40 гр., ч.в. 1,10 гр., 585 пр. Общим весом 4,00 гр., чистым весом 2,90 гр. | 1 372 261,00 |
| 15. | 1936 | Кольцо с бел. кам. деф., о.в. 4,50 гр., ч.в. 4,30 гр., 583 пр.; кольцо с бел. зел. кам., о.в. 3,50 гр., ч.в. 2,90 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. деф., о.в. 2,90 гр., ч.в. 2,40 гр., 585 пр.; серьги хрупк., о.в. 1,40 гр., ч.в. 1,40 гр., 585 пр.; серьги хрупк. деф., о.в. 1,95 гр., ч.в. 1,95 гр., 585 пр. Общим весом 14,25 гр., чистым весом 12,95 гр. | 6 068 761,00 |
| 16. | 2089 | Цепь деф. погн. хруп., о.в. 29,99 гр., ч.в. 29,99 гр., 585 пр.; кольцо с зел. кам. деф., о.в. 4,35 гр., ч.в. 4,00 гр., 585 пр. Общим весом 34,34 гр., чистым весом 33,99 гр. | 15 787 486,00 |
| 17. | 2110 | Браслет с деф. погн. хруп., о.в. 4,85 гр., ч.в. 4,85 гр., 585 пр.; часы "Слава" с крас. кам., 1 кам. нет №3009696 крыш. слом. деф. погн. не ход., о.в. 20,65 гр., ч.в. 10,20 гр., 585 пр. Общим весом 25,50 гр., чистым весом 15,05 гр. | 6 811 111,00 |
| 18. | 2197 | Цепь деф. погн. хруп., о.в. 2,46 гр., ч.в. 2,46 гр., 585 пр. Общим весом 2,46 гр., чистым весом 2,46 гр. | 1 220 761,00 |
| 19. | 2201 | Кольцо деф. погн., о.в. 1,55 гр., ч.в. 1,55 гр., 585 пр.; кольцо обруч., о.в. 1,80 гр., ч.в. 1,80 гр., 585 пр. Общим весом 3,35 гр., чистым весом 3,35 гр. | 1 364 686,00 |
| 20. | 2277 | Браслет с бел. кам. хруп. деф., о.в. 3,10 гр., ч.в. 2,90 гр., 585 пр. Общим весом 3,10 гр., чистым весом 2,90 гр. | 1 417 711,00 |
| 21. | 2296 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 1,45 гр., ч.в. 1,00 гр., 585 пр.; кольцо деф. погн., о.в. 1,40 гр., ч.в. 1,40 гр., 585 пр. Общим весом 2,85 гр., чистым весом 2,40 гр. | 1 082 918,42 |
| 22. | 2305 | Браслет с бел. кам. деф., о.в. 9,20 гр., ч.в. 9,00 гр., 585 пр.; колье с бел. кам. хруп., о.в. 13,90 гр., ч.в. 13,70 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 4,10 гр., ч.в. 3,30 гр., 585 пр. Общим весом 27,20 гр., чистым весом 26,00 гр. | 12 204 511,00 |
| 23. | 2339 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 2,78 гр., ч.в. 2,30 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 2,14 гр., ч.в. 1,90 гр., 585 пр.; браслет с деф. погн., о.в. 3,05 гр., ч.в. 3,05 гр., 585 пр. Общим весом 7,97 гр., чистым весом 7,25 гр. | 3 038 761,00 |
| 24. | 2408 | Цепь деф. погн. звен., о.в. 13,20 гр., ч.в. 13,20 гр., 585 пр. Общим весом 13,20 гр., чистым весом 13,20 гр. | 6 182 386,00 |
| 25. | 2410 | Серьги с зел. кам. деф., о.в. 4,40 гр., ч.в. 3,80 гр., 585 пр.; кольцо с зел. кам., о.в. 2,85 гр., ч.в. 2,55 гр., 585 пр.; кольцо с крас. кам. с деф. погн., о.в. 2,14 гр., ч.в. 1,60 гр., 585 пр.; браслет с деф. погн. с крас. кам. нитк. слом., о.в. 3,90 гр., ч.в. 3,50 гр., 585 пр.; цепь деф. погн., о.в. 15,15 гр., ч.в. 15,15 гр., 585 пр. Общим весом 28,44 гр., чистым весом 26,60 гр. | 11 871 211,00 |
| 26. | 2448 | Кольцо с бел. кам. с деф., о.в. 2,15 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр. Общим весом 2,15 гр., чистым весом 2,10 гр. | 1 054 111,00 |
| 27. | 2490 | Браслет штамп. хруп., о.в. 2,95 гр., ч.в. 2,95 гр., 585 пр.; кольцо обруч. пайка, о.в. 4,85 гр., ч.в. 4,85 гр., 585 пр. Общим весом 7,80 гр., чистым весом 7,80 гр. | 3 114 511,00 |
| 28. | 2556 | Серьги с крас. кам. хруп., о.в. 2,40 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. Общим весом 2,40 гр., чистым весом 2,00 гр. | 1 008 661,00 |
| 29. | 2614 | Колье "Гузаль" деф. погн., о.в. 17,15 гр., ч.в. 17,15 гр., 585 пр.; кольцо деф. погн., о.в. 2,10 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр.; кольцо деф. погн., о.в. 1,70 гр., ч.в. 1,70 гр., 585 пр. Общим весом 20,95 гр., чистым весом 20,95 гр. | 9 765 361,00 |
| 30. | 2651 | Кольцо пайка трещина, о.в. 3,20 гр., ч.в. 3,20 гр., 585 пр. Общим весом 3,20 гр., чистым весом 3,20 гр. | 1 561 636,00 |
| 31. | 2782 | Кольцо с бел. кам., о.в. 3,50 гр., ч.в. 3,20 гр., 585 пр. Общим весом 3,50 гр., чистым весом 3,20 гр. | 1 561 636,00 |
| 32. | 2896 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,30 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. Общим весом 3,30 гр., чистым весом 3,00 гр. | 1 275 584,00 |
| 33. | 2932 | Цепь деф., о.в. 10,00 гр., ч.в. 10,00 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. обруч. деф. погн., о.в. 3,15 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,65 гр., ч.в. 2,85 гр., 585 пр.; кольцо слом. на части погн., о.в. 2,50 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; серьги хруп. деф., о.в. 4,05 гр., ч.в. 4,05 гр., 585 пр.; серьги хруп. деф., о.в. 2,20 гр., ч.в. 2,20 гр., 585 пр. Общим весом 25,55 гр., Чистым весом 24,10 гр. | 10 924 336,00 |
| 34. | 2966 | Кольцо с фиол. кам., о.в. 10,00 гр., ч.в. 7,20 гр., 585 пр.; кольцо обруч. деф. погн., о.в. 6,00 гр., ч.в. 6,00 гр., 583 пр.; серьги деф. гряз. хруп., о.в. 3,95 гр., ч.в. 3,95 гр., 583 пр.; серьги хруп. деф., о.в. 5,40 гр., ч.в. 5,40 гр., 585 пр. Общим весом 25,35 гр., чистым весом 22,55 гр. | 10 507 711,00 |
| 35. | 3080 | Серьги деф. погн. с бел. кам., о.в. 5,00 гр., ч.в. 4,50 гр., 585 пр. Общим весом 5,00 гр., чистым весом 4,50 гр. | 1 973 192,31 |
| 36. | 3081 | Кольцо гряз., о.в. 3,20 гр., ч.в. 3,20 гр., 585 пр. Общим весом 3,20 гр., чистым весом 3,20 гр. | 1 484 530,08 |
| 37. | 3311 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 4,85 гр., ч.в. 3,85 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. деф., о.в. 2,30 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. Общим весом 7,15 гр., чистым весом 5,85 гр. | 2 788 786,00 |
| 38. | 3367 | Кольцо с бел. кам. обруч. с деф. погн., о.в. 1,85 гр., ч.в. 1,30 гр., 500 пр. Общим весом 1,85 гр., чистым весом 1,30 гр. | 690 511,00 |
| 39. | 3412 | Кольцо с бел. кам., о.в. 2,70 гр., ч.в. 2,30 гр., 585 пр. Общим весом 2,70 гр., чистым весом 2,30 гр. | 594 898,74 |
| 40. | 3458 | Кольцо с бел. кам., о.в. 3,10 гр., ч.в. 2,60 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. 1-го кам. нет, о.в. 1,85 гр., ч.в. 1,70 гр., 585 пр.; кольцо деф., о.в. 2,00 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; серьги хруп. деф., о.в. 2,95 гр., ч.в. 2,95 гр., 585 пр. Общим весом 9,90 гр., чистым весом 9,25 гр. | 4 095 317,76 |
| 41. | 3473 | Кольцо с бел. кам. 2 кам. нет деф., о.в. 2,40 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр. Общим весом 2,40 гр., чистым весом 2,10 гр. | 1 054 111,00 |
| 42. | 3672 | Браслет с бел. кам. метал. крепин., о.в. 15,95 гр., ч.в. 14,50 гр., 750 пр. Общим весом 15,95 гр., чистым весом 14,50 гр. | 8 538 211,00 |
| 43. | 3706 | Кольцо с бел. кам. погн., о.в. 2,33 гр., ч.в. 1,93 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. деф., о.в. 2,95 гр., ч.в. 1,80 гр., 585 пр. Общим весом 5,28 гр., чистым весом 3,73 гр. | 1 656 114,43 |
| 44. | 3707 | Кольцо деф., о.в. 1,90 гр., ч.в. 1,90 гр., 585 пр. Общим весом 1,90 гр., чистым весом 1,90 гр. | 978 361,00 |
| 45. | 3773 | Цепь, о.в. 14,10 гр., ч.в. 14,10 гр., 585 пр. Общим весом 14,10 гр., чистым весом 14,10 гр. | 6 012 488,85 |
| 46. | 3858 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн. 1 кам. нет, о.в. 2,35 гр., ч.в. 1,90 гр., 585 пр. Общим весом 2,35 гр., чистым весом 1,90 гр. | 978 361,00 |
| 47. | 3880 | Кольцо деф., о.в. 2,95 гр., ч.в. 2,95 гр., 585 пр.; кольцо деф. погн., о.в. 2,85 гр., ч.в. 2,85 гр., 585 пр.; серьги деф. гряз. с бел. кам., о.в. 3,70 гр., ч.в. 3,30 гр., 585 пр. Общим весом 9,50 гр., чистым весом 9,10 гр. | 3 516 619,47 |
| 48. | 3881 | Цепь хруп., о.в. 7,20 гр., ч.в. 7,20 гр., 585 пр. Общим весом 7,20 гр., чистым весом 7,20 гр. | 3 114 511,00 |
| 49. | 3912 | Браслет штамп. деф., о.в. 1,70 гр., ч.в. 1,70 гр., 585 пр.; кулон с бел. кам., о.в. 0,65 гр., ч.в. 0,30 гр., 585 пр.; серьга 1 шт. с бел. кам., о.в. 0,70 гр., ч.в. 0,40 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн. пайка, о.в. 2,30 гр., ч.в. 1,40 гр., 585 пр.; кольцо с бел. син. черн. кам. гряз., о.в. 3,20 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. Общим весом 8,55 гр., чистым весом 5,80 гр. | 2 601 932,26 |
| 50. | 3922 | Браслет слом. на две части, о.в. 3,80 гр., ч.в. 3,80 гр., 585 пр.; кольцо слом. на две части, о.в. 3,95 гр., ч.в. 3,95 гр., 585 пр.; серьги хруп., о.в. 4,40 гр., ч.в. 4,40 гр., 585 пр.; колье хруп., о.в. 5,10 гр., ч.в. 5,10 гр., 585 пр.; цепь 14 к. + кулон хруп., о.в. 1,65 гр., ч.в. 1,65 гр., 585 пр. Общим весом 18,90 гр., чистым весом 18,90 гр. | 8 962 411,00 |
| 51. | 4037 | Кольцо с бел. кам., о.в. 6,90 гр., ч.в. 6,40 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам., о.в. 1,40 гр., ч.в. 1,00 гр., 585 пр.; серьги хруп., о.в. 4,15 гр., ч.в. 4,15 гр., 585 пр.; кольцо погн., о.в. 6,60 гр., ч.в. 6,60 гр., 585 пр. Общим весом 19,05 гр., чистым весом 18,15 гр. | 8 606 386,00 |
| 52. | 4081 | Кольцо бирка+пломба+бел. кам., о.в. 2,71 гр., ч.в. 1,90 гр., 585 пр.; серьги бирка+пломба+бел. кам., о.в. 3,42 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам. хрупк., о.в. 4,28 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. Общим весом 10,41 гр., чистым весом 7,40 гр. | 3 569 011,00 |
| 53. | 4086 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 1,99 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр.; кольцо с деф. погн., о.в. 2,22 гр., ч.в. 2,22 гр., 585 пр.; цепь деф. погн., о.в. 7,18 гр., ч.в. 7,18 гр., 585 пр. Общим весом 11,39 гр., чистым весом 10,90 гр. | 4 525 800,16 |
| 54. | 4144 | Браслет с бел. кам. деф., о.в. 13,20 гр., ч.в. 12,40 гр., 585 пр.; браслет с бел. кам. с деф, о.в. 13,20 гр., ч.в. 12,40 гр., 585 пр. Общим весом 26,40 гр., чистым весом 24,80 гр. | 10 843 997,92 |
| 55. | 4227 | Серьги с бел. крас. кам. деф., о.в. 6,70 гр., ч.в. 5,80 гр., 585 пр. Общим весом 6,70 гр., чистым весом 5,80 гр. | 2 054 011,00 |
| 56. | 4254 | Серьги с бел. зел. кам., о.в. 3,45 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. Общим весом 3,45 гр., чистым весом 3,00 гр. | 1 180 497,60 |
| 57. | 4269 | Цепь 14 к. с деф. погн. хруп., о.в. 6,48 гр., ч.в. 6,48 гр., 585 пр. Общим весом 6,48 гр., чистым весом 6,48 гр. | 3 114 511,00 |
| 58. | 4271 | Цепь деф., о.в. 19,90 гр., ч.в. 19,90 гр., 585 пр.; серьги деф., о.в. 3,65 гр., ч.в. 3,65 гр., 500 пр. Общим весом 23,55 гр., чистым весом 23,55 гр. | 11 144 011,00 |
| 59. | 4282 | Кольцо с бел. кам., о.в. 3,78 гр., ч.в. 3,50 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,58 гр., ч.в. 3,10 гр., 585 пр. Общим весом 7,36 гр., чистым весом 6,60 гр. | 3 182 686,00 |
| 60. | 4299 | Кулон (14 к.) с бел. кам, о.в. 10,84 гр., ч.в. 9,75 гр., 585 пр.; цепь (14 к.) хруп., о.в. 5,55 гр., ч.в. 5,55 гр., 585 пр. Общим весом 16,39 гр., чистым весом 15,30 гр. | 7 273 186,00 |
| 61. | 4310 | Кольцо с бел. кам. погн. обруч. гряз., о.в. 1,82 гр., ч.в. 1,60 гр., 585 пр. Общим весом 1,82 гр., чистым весом 1,60 гр. | 842 011,00 |
| 62. | 4366 | Кольцо, о.в. 3,30 гр., ч.в. 3,30 гр., 585 пр. Общим весом 3,30 гр., чистым весом 3,30 гр. | 1 554 061,00 |
| 63. | 4419 | Кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 3,44 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн. 4 кам. нет, о.в. 2,02 гр., ч.в. 1,40 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. деф., о.в. 1,90 гр., ч.в. 1,45 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. обруч. деф., о.в. 3,97 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. Общим весом 11,33 гр., чистым весом 8,35 гр. | 3 753 972,50 |
| 64. | 4461 | Браслет штамп. хруп., о.в. 4,60 гр., ч.в. 4,60 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. обруч., о.в. 1,58 гр., ч.в. 1,20 гр., 585 пр. Общим весом 6,18 гр., чистым весом 5,80 гр. | 2 803 936,00 |
| 65. | 4486 | Кольцо, о.в. 3,29 гр., ч.в. 3,29 гр., 585 пр.; серьги хруп. деф., о.в. 1,50 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр.; серьги с деф. погн., о.в. 5,45 гр., ч.в. 5,45 гр., 585 пр. Общим весом 10,24 гр., чистым весом 10,24 гр. | 4 841 611,00 |
| 66. | 4574 | Кольцо, о.в. 5,55 гр., ч.в. 5,55 гр., 585 пр. Общим весом 5,55 гр., чистым весом 5,55 гр. | 2 690 311,00 |
| 67. | 4650 | Кольцо с бел. кам. деф. погн., о.в. 3,50 гр., ч.в. 3,10 гр., 585 пр.; браслет погн. штамп. хр., о.в. 4,00 гр., ч.в. 4,00 гр., 585 пр. Общим весом 7,50 гр., чистым весом 7,10 гр. | 3 364 486,00 |
| 68. | 4749 | Серьги хруп. деф., о.в. 2,03 гр., ч.в. 2,03 гр., 585 пр.; серьги с бел. гол. кам. погн. деф. 3-х кам. нет, о.в. 7,46 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр. Общим весом 9,49 гр., чистым весом 7,03 гр. | 3 387 211,00 |
| 69. | 4762 | Браслет с роз. кам., о.в. 22,57 гр., ч.в. 22,30 гр., 585 пр.; браслет с роз. кам., о.в. 22,43 гр., ч.в. 22,20 гр., 585 пр.; цепь хруп. деф. погн., о.в. 6,66 гр., ч.в. 6,66 гр., 585 пр. Общим весом 51,66 гр., чистым весом 51,16 гр. | 22 809 511,00 |
| 70. | 4806 | Браслет с деф. погн., о.в. 2,08 гр., ч.в. 2,08 гр., 585 пр.; цепь хруп., о.в. 3,40 гр., ч.в. 3,40 гр., 585 пр. Общим весом 5,48 гр., чистым весом 5,48 гр. | 2 652 436,00 |
| 71. | 4812 | Цепь с деф. погн. хруп.+кулон с деф. погн., о.в. 3,95 гр., ч.в. 3,95 гр., 585 пр. Общим весом 3,95 гр., чистым весом 3,95 гр. | 1 902 511,00 |
| 72. | 4845 | Кольцо деф. погн., о.в. 1,35 гр., ч.в. 1,35 гр., 585 пр. Общим весом 1,35 гр., чистым весом 1,35 гр. | 690 511,00 |
| 73. | 4851 | Цепь+кулон, о.в. 6,61 гр., ч.в. 6,61 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о.в. 2,80 гр., ч.в. 2,20 гр., 585 пр.; серьги с бел. кам., о.в. 2,48 гр., ч.в. 2,20 гр., 585 пр.; серьги хруп., о.в. 1,86 гр., ч.в. 1,86 гр., 585 пр.; кольцо деф., о.в. 0,91 гр., ч.в. 0,91 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о.в. 1,49 гр., ч.в. 1,35 гр., 585 пр. Общим весом 16,15 гр., чистым весом 15,13 гр. | 7 189 861,00 |
| 74. | 4884 | Цепь 14 к. хруп.+кулон 583, о.в. 4,58 гр., ч.в. 4,58 гр., 585 пр. Общим весом 4,58 гр., чистым весом 4,58 гр. | 2 235 811,00 |
| 75. | 4965 | Цепь хруп., о.в. 5,13 гр., ч.в. 5,13 гр., 585 пр. Общим весом 5,13 гр., чистым весом 5,13 гр. | 2 493 361,00 |
| 76. | 4972 | Кольцо деф., о.в. 2,25 гр., ч.в. 2,25 гр., 585 пр. Общим весом 2,25 гр., чистым весом 2,25 гр. | 999 685,74 |
| 77. | 5008 | Кольцо, о.в. 3,81 гр., ч.в. 3,81 гр., 585 пр. Общим весом 3,81 гр., чистым весом 3,81 гр. | 1 872 211,00 |
| 78. | 5010 | Кольцо, о.в. 2,37 гр., ч.в. 2,37 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,60 гр., ч.в. 3,60 гр., 585 пр. Общим весом 5,97 гр., чистым весом 5,97 гр. | 2 887 261,00 |
| 79. | 5022 | Цепь с деф. погн. хруп., о.в. 19,30 гр., ч.в. 19,30 гр., 585 пр. Общим весом 19,30 гр., чистым весом 19,30 гр. | 9 023 011,00 |
| 80. | 5054 | Цепь деф. погн. пайки, о.в. 10,07 гр., ч.в. 10,07 гр., 585 пр. Общим весом 10,07 гр., чистым весом 10,07 гр. | 4 811 311,00 |
| 81. | 5156 | Кольцо с бел. зел. кам. с деф. погн., о.в. 2,49 гр., ч.в. 2,20 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кас. с деф. погн., о.в. 3,70 гр., ч.в. 3,30 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 2,40 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр. Общим весом 8,59 гр., чистым весом 7,60 гр. | 993 511,00 |
| 82. | 5178 | Кулон, о.в. 7,28 гр., ч.в. 7,28 гр., 585 пр. Общим весом 7,28 гр., чистым весом 7,28 гр. | 3 493 261,00 |
| 83. | 5188 | Серьга 1 шт с бел. кам с деф. погн., о.в. 1,90 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 5,30 гр., ч.в. 2,80 гр., 585 пр.; цепь с деф. погн.+кулон с бел. кам. с деф. погн., о.в. 2,90 гр., ч.в. 2,70 гр., 585 пр. Общим весом 10,10 гр., чистым весом 7,00 гр. | 2 950 891,00 |
| 84. | 5203 | Кольцо с биркой+ниткой, о.в. 1,80 гр., ч.в. 1,65 гр., 583 пр. Общим весом 1,80 гр., чистым весом 1,65 гр. | 842 011,00 |
| 85. | 5242 | Серьги хруп. деф., о.в. 3,83 гр., ч.в. 3,83 гр., 585 пр. Общим весом 3,83 гр., чистым весом 3,83 гр. | 1 887 361,00 |
| 86. | 5243 | Кольцо (с бел. кам. деф), о.в. 2,00 гр., ч.в. 1,40 гр., 585 пр. Общим весом 2,00 гр., чистым весом 1,40 гр. | 743 536,00 |
| 87. | 5249 | Цепь+кулон с разноц. кам., о.в. 8,64 гр., ч.в. 8,30 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о.в. 2,39 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. хруп., о.в. 1,30 гр., ч.в. 1,10 гр., 585 пр.; кольцо с деф. погн., о.в. 3,05 гр., ч.в. 3,05 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,85 гр., ч.в. 2,85 гр., 585 пр. Общим весом 18,23 гр., чистым весом 17,30 гр. | 8 204 911,00 |
| 88. | 5263 | Цепь, о.в. 4,10 гр., ч.в. 4,10 гр., 585 пр. Общим весом 4,10 гр., чистым весом 4,10 гр. | 1 978 261,00 |
| 89. | 5313 | Серьги погн. с бел. кам. деф. погн. хруп., о.в. 2,78 гр., ч.в. 1,90 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. деф. погн. 1 кам. нет, о.в. 1,31 гр., ч.в. 0,90 гр., 585 пр. Общим весом 4,09 гр., чистым весом 2,80 гр. | 1 402 561,00 |
| 90. | 5353 | Цепь с деф. погн., о.в. 7,38 гр., ч.в. 7,38 гр., 585 пр. Общим весом 7,38 гр., чистым весом 7,38 гр. | 3 538 711,00 |
| 91. | 5396 | Браслет (деф.), о.в. 16,20 гр., ч.в. 16,20 гр., 585 пр. Общим весом 16,20 гр., чистым весом 16,20 гр. | 6 839 648,55 |
| 92. | 5403 | Кольцо, о.в. 5,15 гр., ч.в. 5,15 гр., 585 пр. Общим весом 5,15 гр., чистым весом 5,15 гр. | 2 403 794,20 |
| 93. | 5414 | Кольцо с брилл. 6 шт.+оскол., о.в. 5,90 гр., ч.в. 5,90 гр., 750 пр. Общим весом 5,90 гр., чистым весом 5,90 гр. | 2 963 011,00 |
| 94. | 5450 | Цепь деф.+кулон 585, о.в. 9,80 гр., ч.в. 9,80 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,04 гр., ч.в. 4,04 гр., 585 пр.; браслет деф. с бел. кам. 2 шт. подвески, о.в. 8,83 гр., ч.в. 8,20 гр., 585 пр. Общим весом 22,67 гр., чистым весом 22,04 гр. | 10 431 961,00 |
| 95. | 5455 | Браслет штамп. деф., о.в. 9,30 гр., ч.в. 9,30 гр., 585 пр. Общим весом 9,30 гр., чистым весом 9,30 гр. | 4 455 286,00 |
| 96. | 5481 | Серьги с бел. кам., о.в. 4,03 гр., ч.в. 3,55 гр., 585 пр. Общим весом 4,03 гр., чистым весом 3,55 гр. | 1 649 010,09 |
| 97. | 5738 | Кольцо с зел. кам. с бирк. ниткой с деф. погн., о.в. 3,95 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; кольцо с деф. погн. с бирк. ниткой, о.в. 4,68 гр., ч.в. 4,50 гр., 585 пр. Общим весом 8,63 гр., чистым весом 7,50 гр. | 3 423 018,03 |
| 98. | 5918 | Кольцо, о.в. 3,24 гр., ч.в. 3,24 гр., 585 пр. Общим весом 3,24 гр., чистым весом 3,24 гр. | 1 599 511,00 |
| 99. | 5977 | Кольцо с бел. кам. 1 кам. нет слом. части нет, о.в. 2,78 гр., ч.в. 1,80 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам., о.в. 5,22 гр., ч.в. 4,30 гр., 585 пр.; кольцо с бел. кам. с деф. погн., о.в. 4,82 гр., ч.в. 4,20 гр., 585 пр. Общим весом 12,82 гр., чистым весом 10,30 гр. | 4 594 659,94 |
| 100. | 5978 | Серьги с деф. погн. хруп. мож. слом., о.в. 2,91 гр., ч.в. 2,91 гр., 585 пр. Общим весом 2,91 гр., чистым весом 2,91 гр. | 1 448 011,00 |
| 101. | 6009 | Браслет с бел. кам. с деф. погн. с метал. пружина, о.в. 10,69 гр., ч.в. 8,20 гр., 585 пр.; кольцо кам. нет деф., о.в. 1,16 гр., ч.в. 1,16 гр., 585пр. Общим весом 11,85 гр., чистым весом 9,36 гр. | 4 046 236,00 |
| 102. | 6076 | Кольцо с бел. кам. бирка+нитка, о.в. 3,98 гр., ч.в. 3,70 гр., 585 пр. Общим весом 3,98 гр., чистым весом 3,70 гр. | 1 826 761,00 |
| 103. | 6462 | Кольцо с крас. кам., о.в. 1,67 гр., ч.в. 1,45 гр., 585 пр.; серьги с крас. кам. хруп., о.в. 1,71 гр., ч.в. 1,30 гр., 585 пр. Общим весом 3,38 гр., чистым весом 2,75 гр. | 1 372 261,00 |
| 104. | 6465 | Кольцо с бел. кам. деф. хруп. погн., о.в. 4,13 гр., ч.в. 3,60 гр., 585 пр.; кольцо обруч. с бел. кам., о.в. 4,86 гр., ч.в. 4,40 гр., 585 пр. Общим весом 8,99 гр., чистым весом 8,00 гр. | 3 569 011,00 |
| | | **Жами бошланғич баҳоси** | **449 305 803,81** |

Аукцион савдолар **2023 йил 15 июнь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2023 йил 13 июнь куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2023 йил 15 июнь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2023 йил 29 июнь ва 13 июль кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№37-38 (690-691) 2023 йил 9 май

# Меҳнатидан қадр топган қурувчи

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, журналист.

**Бутун умрини юрт равнақига бағишлаган, элим деб, юртим деб ёниб яшаган фидойи инсонлар ҳақида ёзишнинг гашти бўлакча. Айниқса, ҳаётини қурилиш, бунёдкорлик соҳасига бағишлаб, халқнинг меҳрига сазовор бўлган инсонларни қанча мақтасак, арзийди. Ана шундай инсонлардан бири – ҳазорасплик “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи” Оллаберган Матёқубовдир.**

Оллаберган аканинг бир одати бор. Ҳар куни саҳар уйқудан уйғониб, маҳалла кўчаларини айланади. Хаёлан бугунги ишларини режа қилади. Гарчи ҳозирда нафақада бўлсада, 40 йиллик бу одати унга доимий “ҳамроҳ” бўлиб қолган. Бугун ҳам эрта туриб одати бўйича сайрдан сўнг нонуштага ўтирар экан, неварасига сўз қотди:

– Бугун сени Туямўйинга олиб бораман, бир айланиб келамиз.

Невараси севиниб дарров сафар тадоригини кўра бошлади.

Йўлга тушишди. Оллаберган ака Питнакка кириб борар экан, катта йўл бўйида машинасини тўхтатди. Тушиб, атрофга кўз югуртираркан, бир пайтлар ўзи қурган биноларга разм солди. Неварасига қўли билан кўрсатиб, сўради:

– Ҳув, наридаги кўп қаватли биноларни кўряпсанми?

– Ҳа, – деди невараси ўша ёққа тикилиб. – Кўряпман, бобожон.

– Ўша биноларни мен қурганман. Қара, у ерда одамлар яшаяпти. Шу уйларда тўйлар қилишмоқда.

Невараси ҳайрат билан яна ўша томонга яна тикилди, шундай салобатли уйларни қурган бобосига ҳавасла қаради. Сўнгра, “Ўзимни бобожоним” деб қучоқладида:

– Бобожон, мен ҳам катта бўлсам, албатта, сиздай қурувчи бўламан, – деди.



Оллаберган ака 1960 йили Ҳазорасп туманида таваллуд топган. Асли ҳазорасрликлар тадбиркор, ҳунарли халқ. Унинг отаси Болтабой ота пўстиндўз бўлган. Хоразмда қўй терисидан қишлик иссиқ пўстинлар, чўгирма, телпаклар тикишда унинг олдига тушадиган уста бўлмаган дейишади, ҳазорасрликлар. Волидаси Гулпошша она эса тикувчи бўлиб, чиройли кўйлаклар тиккан. Шундай уста ҳунармандлар оиласида униб-ўсган Оллаберган қурувчилик касбини танлади. Ўрта мактабни олтин медалга тамомлаган ёш йигит Тошкент Политехника институтининг Саноат ва фуқаролик қурилиши факультетига ўқишга кириб, имтиёзли тамомлади.

Иш фаолиятини Ҳазораспдаги Ип-йигирув фабрикаси қурилишида мастерликдан бошлаб, кейинчалик Туямўйин сув қурилиш трестида муҳандис, Питнакдаги агрегат заводи қурилишида (ҳозирги автомобиль ишлаб чиқариш заводи) 1987-1989 йилларда фаолият олиб борди. Оллаберган Матёқубов 1989 йилдан Туямўйин сув қурилиш трестига қарашли 1-сон қурилиш- монтаж бошқармасида бош инженер бўлиб ишлаган даврини зўр хотиралар билан эсга олади. У ерда ишлаган саккиз йиллик даврида қанчадан-қанча иншоотларни қуриб, фойдаланишга топширди. Жамоа катта. Ўша пайтда 600 дан зиёд ишчи-ходимлар ишлар эди.

Яхши ходим ҳар ерда, ҳамма вақт керак. Қурилиш ишида ном чиқариб, эл-юрт ва раҳбариятнинг раҳматига сазовор бўлган Оллаберганни энди республикамиздаги энг долзарб қурилишларга юборишади. Жумладан, Учқудуқдаги 3-сон кон-металлургия заводи қурилиши, 1995 йилда эса Тошкентдаги Мустақилик майдонидаги катта қурилишда 30 нафар ишчи-ходими билан қатнашади.

1995 йили эндигина 35 баҳорни қаршилаган Оллаберган Матёқубовни фидойи меҳнатлари муносиб тақдирланиб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи” унвони билан тақдирланди. Ақл ёшда эмас, бошда деб бежизга айтмайди, халқимиз. Оллабергандаги қобилиятини сезган юқори ташкилотдагилар уни энди раҳбарлик лавозимларига тавсия этишди. 1997 йилдан 2001 йилгача 1- ва 3-сон қурилиш-монтаж бошқармаларида бошлиқ, 2001 йилдан 2006 йилгача Ҳазорасп тумани ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари ва Питнак шаҳар ҳокими лавозимларида фаолият олиб борди.

О. Матёқубов Питнак шаҳар ҳокими бўлиб ишлаган даврларда Туямўйиннинг 30 йиллик юбилейи вилоят миқёсида кенг нишонланди. Юбилей баҳона шаҳарда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шаҳардаги барча кўп қаватли турар жой бинолари таъмирланиб, йўллар асфальт қилинди, 2003 йилдаги нархда ҳисоблаганда тахминан бир миллиард сўмлик ҳажмдаги таъмирлаш ишлари бажарилган эди.

Қаҳрамонимиз Оллаберган Матёқубовнинг салкам 40 йиллик меҳнат фаолияти ва ҳаёт йўлининг ўзи ёзса бир китоб бўлгудек. Уй-жой қуриш, қудуқ қазиш, йўл таъмирлаш каби ишларнинг савобига нима етсин. Азму шижоатга тўла Оллаберган ака ишни шогирдларига топшириб, 2020 йилда қарилик нафақасига чиқди. Ишга ўрганган одам нафақада ҳам тинч ўтира олмайди. Оиласи, фарзандлари билан тадбиркорликни йўлга қўйди. “Озода нон” ва “Матёқуб Қодир” фермер хўжалигида 250 бош наслли қорамол парваришланмоқда. Ўзларининг сутни қайта ишлаш корхонаси мавжуд. Кунига 1,5-2 тонна сут қайта ишланиб, ўн турдаги маҳсулот дўкон пештахталарига чиқариляпти. Шунинг ўзидан ҳам оила яхшигина даромад топмоқда.

Ҳалол меҳнатнинг орқасидан тўйлар қилиняпти, фарзанд ва невараларга атаб иморатлар қурилмоқда. Фарзандлар ўқиб, олий маълумотли кадрлар бўлиб етишмоқда. Оллаберган аканинг уч нафар ўғли ҳам отаси изидан бориб, қурувчилик касбини танлаган. Ўғилларининг барчаси Тошкент политехника инситутининг қурилиш факультетини тамомлашган.

Меҳнат қилган элда азиз. Ҳалол меҳнат қилган киши ҳеч вақт ҳам хорлик кўрмаган. Буни биз қаҳрамонимиз ҳаёти мисолида кўрдик, десак адашмаган бўламиз.



**Газли – Ромитан тумани таркибига кирувчи кичик шаҳарча бўлиб, вилоят марказидан салкам 106 километр узоқликда жойлашган. Бугун ушбу олис ҳудудда 1 300 дан ортиқ хонадонда 6 500 аҳоли истиқомат қилмоқда. Шаҳарча иккита – Байналминал ва Газли маҳаллаларидан иборат. Бу ердаги аҳолининг табиий газдан хавфсиз фойдаланиши ва қулай яшашини таъминлашга чилангар Санобар опа Нусратова ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.**

# Газлидаги чилангар аёл

**Жаҳонгир ФОЗИЛОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Санобар опа газ таъминотида 2015 йилдан буён фаолият олиб бормоқда. Сўнгги уч йилдан буён эса чилангар вазифасида ишлаб келади.

– Йил давомида 1 300 дан ортиқ хонадондаги газ жиҳозларига ўз вақтида хизмат кўрсатиб келишга ҳаракат қиламан, – деди суҳбат давомида қаҳрамонимиз. – Машаққатли, масъулиятли иш, аммо кимнингдир хавфсизлигини таъминлаш мен учун бу катта шараф. Асли шофирконликман. Тақдир тақозоси билан Газлига келиб қолганмиз. Тўғри, олис, чўл ҳудуди. Ёзда жуда иссиқ, қишда эса совуқ об-ҳаво. Нолимайман, чунки ишимни яхши кўраман. Касбини севган инсонга ҳеч қандай қийинчилик қўрқинчли эмас.

Дарҳақиқат, бугун Санобар Нусратова томонидан олис ҳудудлардаги истеъмолчиларнинг газ жиҳозларига хизмат кўрсатилиши баробарида, юзага келган мавжуд муаммолар ҳам вақтида бартараф этилмоқда. Аҳоли эса бундан миннатдор.

– Санобархон ҳеч қайси эркакдан қолишмай меҳнат қилади, – деди фуқаро Ражаббой Эшниёзов. – Шаҳарчамизда биттагина чилангар аёл. Ҳар йили газ жиҳозларимизни кўриб, таъмирлаб, мойлаб кетади. Жуда самимий, вақтини ҳеч биримиздан қизғанмайди. Яна бир жиҳати, бугун кўп соҳалар каби газ тизимида кўрсатилаётган хизматлар ҳам онлайн тизимида амалга оширилиб, тўловлар мобил иловалар орқали бажарилмоқда. Бу ҳам юртимизда аҳолининг қулай шароитда яшашини таъминлашнинг бир кўринишидир.

Бир сўз билан айтганда, “Меҳнат инсонни улуғлайди” деган нақл бугун Санобар опа тимсолида ўз тасдиғини топмоқда, десак янглишмаган бўламиз.

# Орамиздаги оддий одамлар

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўқиган китобларимдан бирида шундай ёзилганди: “Ҳашаматли, улкан-улкан бинолардан кўп нарса англаш қийин. Улар менга совуқ туюлади. Оддий лойсувоқ уйлар томига қаранг, қандай гўзал қизғалдоқлар ўсиб чиқади. Унда жуда муҳим икки нарса бор: бири тириклик бўлса, бири оддийлик... Аслида одамлар ҳам шундай. Баъзи одамлар атрофимизда оддий кийимда, кимнингдир наздида оддий юмуш бажарсада, самимий ва содда юраги бор. Бундай инсонлар шу қадар камтарки, ҳеч бир тортинишсиз улар билан эш бўлиб кетасиз.**

Навбатдаги мақолага қаҳрамон қидирарканман, Яккасарой туманидаги ҳаммага таниш Пушкин ҳайкали ёнида ишлаётган ободонлаштириш ходимларининг бир нечтасига кўзим тушди. Салом бериб, суҳбатга тутдим. Оддий инсонлар ҳақида ёзмоқчилигимни айтдим. Бамаъни одамлар экан, “Ука, аввал пепсидан ичинг, қолгани бир гап бўлар”, деб кулишди. Жуда камтар ва камсуқум инсонлар бўлгани учун аввалига “Сен гапир, сен гапир” деб тортиниб туришди. Хуллас, узоқ муҳокамадан сўнг, Ғани ака билан диллашадиган бўлдик.

Ғани Қорабоев 1970 йил Паркент туманининг Сўқоқ қишлоғида туғилган. Маълумоти ўрта бўлса-да, фикрлари туғилган қишлоғи каби баҳаво, қарашлари тозалигини сезиш қийин эмас. Ёшлигидан ҳалол меҳнат қилиб ўрганган Ғани ака чорвачилик ва боғдорчиликдан ҳам яхшигина хабардор экан. Айтишича, рисоладагидек меҳнат қилинса, боғдорчилик ва чорвачиликдан ҳам мўмай даромад топиш мумкин. Лекин кўпчилик ерга керакли ишлов бермаслиги, меҳр билан қарамаслиги сабабли кутган ҳосилини ололмайди.

Туппа-тузук деҳқон одамнинг нега тўсатдан бу соҳага кириб келгани, аниқроғи, ободонлаштиришдек қишни қиш, ёзни ёз демайдиган машаққатли ишни танлагани фақат бизга эмас, ўқувчиларга ҳам қизиқ бўлса керак. Қаҳрамонимиз деҳқончилик ва чорвачилик мавсумий иш бўлгани туфайли мунтазам ойликка бўлган эҳтиёж уни бу соҳага киришига сабаб бўлганини айтди. Ғани ака ободонлаштириш соҳасидаги фаолиятини 2020 йилда бошлаган бўлса, шу кунгача намунали ходимлар қаторида бўлиб келаётганини ҳамкасблари ҳам тасдиқлашди. Чунки қаҳрамонимиз ишдан ўзини олиб қочмайдиган, луқмасини ҳалоллаб оладиган виждонли инсон сифатида ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонган. У 2020 йилдан буён Яккасарой тумани Ободонлаштириш бошқармаси ходими сифатида ишлаб келмоқда.

Айниқса, бу йилги аномал совуқ давридаги машаққатли кунларни Ғани ака шундай ҳикоя қилади:

– Ҳамма жой совуқ, кўчаларни қалин қор қоплаган. Ўша кунлари тинмай қор курадик, йўлларни яхмалаклардан тозалашга жон-жаҳдимиз билан ҳаракат қилдик. Автоҳалокатлар олдини олиш ва одамларга юриш учун қулайлик яратиш мақсадида бир жамоа бўлиб ишладик. Қийин кунлар ортда қолди, ҳамжиҳатлик эса ҳамроҳимизга айланди. Касбимни чиндан яхши кўраман. Агар инсон ўз соҳасига меҳр бермаса, танлаган касбининг лаззатини сезмайди. Касбим билан ҳам, жамоам билан ҳам фахрланаман.

Ғани ака мақтовни ёқтирмас экан. Ўзида бўлмаган нарсалар билан мақталишдан уялишини дангал айтган кам сонли одамлардан бири десам, адашмаган бўламан. Қаҳрамонимизнинг ўзини тутиши ва гап-сўзидан камтар, очиқкўнгил ҳамда мард инсон эканини сезиш қийин эмас. Шунданми, Ғани ака билан суҳбатлашган одам кўп ижобий хислатларидан баҳраманд бўлиш билан бирга, яхшигина ўрнак ҳам олиши мумкин. Қолаверса, ҳар гапида шукроналикни канда қилмайдиган бу кишига ҳурматим ошди. Суҳбатимиз қизиб, ҳаётий томонга кўчди. Қаҳрамонимиз яшашнинг ўзи шукр қилишга етарлича сабаб, деб ҳисоблашини айтди.



– Ҳозир сизга бир стакан пепси узатдим, тўғрими? – деди Ғани ака. – Энди ўйланг, бугун сизга қайси миллионер ё мансабдор сув қуйиб берди? Сизни бир парча нон, бир стакан сув билан меҳмон қилган киши оддий одамдир, лекин Аллоҳ оддий ҳолимда ҳам одамларга нимадир улаша оладиган инсон қилиб яратганига шукр. Бошқа нима керак? Кўпчилигимиз яхшилик қилиш учун пайт пойлаймиз. Кимдир бойиб кетсам, кимдир мансабдор бўлсам, сахий инсонга айланаман, деб ўйлайди. Аммо яхшилик, сахийлик инсоннинг ўзида бўлиши керак. Шундай эмасми? Яхшилик қилиш учун биргина табассум ҳам етарли. Агар хоҳиш бўлса, яхшилик қилиш имкони ҳамиша мавжуд.

Кимдир ўз касбини мажбурликдан, кимдир ўз хоҳиши билан топади. Яна кимдир ушалмаган орзуси, армони билан яшайди. Ғани акадан шу ҳақдаги фикрларини сўрадик.

– Ортимга қарасам, бўшлиқ йўқ, – деди қаҳрамонимиз. – Ҳамма жойда ўз хоҳишим, виждоним билан ҳалол яшадим, яшаб келяпман. Эришиб бўлмас орзу қилмадим, орзу қилсам, амалга оширдим. Ўзбекистонимизни яхши кўраман, чин дилдан меҳнат қилган одам бу юртда оч қолмайди. Кўпчилик ойлик кам деб нолийди. Фикримча, инсонни бахтли қиладиган нарса фақат баланд маош эмас. Асосийси, ҳаётдан рози бўлиб яшашдир.

Қаҳрамонимиз билан суҳбатлашиб, ўйланиб қолдик. Нега шу инсон каби ҳаётга некбинроқ (тозароқ) қараб, мамнун яшашга қийналамиз? Нега кўзимизга кўпроқ камчилик ва муаммолар кўринаверади? Чунки бахтли ҳисобланишимиз учун ўзимизга адоқсиз шартлар ўйлаб топамиз. Ўз ҳаётимизни ўзимиз мураккаблаштирамиз.

Бу ҳаётда ҳамманинг ўз ўлчови бор. Юртимизда Ғани акадек ҳаётидан рози инсонлар кўпаяверсин.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятов, Давронжон Адилов, Жалол Арашов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100035, Тошкент шаҳри,
Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.
**Телефонлар:**
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-537.
1742 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни –
Топширилди – 00.50.

1 2 3 4 5 6